

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТ

“Миллий ғоя ва фалсафа”
кафедраси

4151500 - “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ
таълими” йўналиши IV курс 5-45 гуруҳ талабаси

МАМАДАЛИЕВ НАЖМИДДИНнинг

**“ТАЛАБАЛАРНИНГ
ҒОЯВИЙ САВИЯСИ**

ВА

МАЪНАВИЙ САЛОҲИЯТИ”

мавзусида ёзган

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

Ҳимоя учун қабул қилди:
“Миллий ғоя ва фалсафа”
кафедраси мудири ф.ф.н.,
доцент С.Исмоилов _____
“ _____ ” _____ 2014 йил

Илмий раҳбар: “Тарих”
кафедраси доценти, ф.ф.н.
Н.Темирова _____
“ _____ ” _____ 2014 йил

Мавзу: ТАЛАБАЛАРНИНГ ҒОЯВИЙ САВИЯСИ ВА МАЪНАВИЙ САЛОҲИЯТИ

РЕЖА :

КИРИШ

**I-БОБ. ТАЛАБАЛАРНИ ҒОЯВИЙ САВИЯСИ ВА МАЪНАВИЙ
САЛОҲИЯТИГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

1.1. Мустақилликнинг маънавий асослари.

1.2. Талабаларни ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятга йўналтириш

**II-БОБ. ТАЛАБАЛАР ҒОЯВИЙ САВИЯСИ ВА МАЪНАВИЙ
САЛОҲИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

2.1. Талабалар ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини ташкил этиш.

2.2. Талабалар ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини ташкил этиш
технологиялари.

**III-БОБ. ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЧИЛИК
ФАОЛИЯТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

3.1. Талабаларнинг илмий тадқиқотчилик фаолияти.

3.2. Талабаларнинг илмий тадқиқотчилик фаолиятларини ташкил этиш.

ХУЛОСА.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

ИЛОВАЛАР

КИРИШ

Ҳозирги кескин рақобат шароитида инновацион технологиялар ва илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга¹.

Ислом Каримов

Мустақиллигимиз туфайли халқимизнинг миллий онги, миллий ғурури, миллий ифтихори, маънавий дунёси кундан – кунга бойиб бормоқда. Бу эса мустақил давлатимизнинг маънавий асосини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

“Миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланиб янада ривожлангандагина жамиятда ўтказилаётган ислохотларни муваффақиятли амалга оша олади, чунки маънавий баркамол, маърифатли, руҳан бардам, янгича тафаккурлаш қобилиятига эга инсонгина истиқлол ва тараққиёт йўлини шараф билан ўта олади. Шундай экан, халқимизнинг маданий мероси, юксак маънавий қадриятларини чуқур ва атрофлича ўрганиб, уларни республикамызда яшовчи ҳар бир инсоннинг онгига сингдириб, айниқса, ёш авлодни маънавий етук, фидоий комил инсонлар этиб тарбиялаш ҳозирги кундаги энг долзарб муаммолардан ҳисобланади”².

Ўзбекистонда миллий тикланиш бир томондан миллий ўзликни англаш, бошқа томондан, жамиятнинг ғоявий-мафкуравий асосларини яратиш, учинчи томондан эса бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш асносида юз бермоқди.

Мустақиллик даврида бу борада катта ишлар бажарилди. Бироқ; ҳали бажарилиши лозим бўлган вазифалар кўп. Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш энг аввало унинг ғоявий-мафкуравий

¹ Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. - Т.: Ўзбекистон, 2011. Т. 19. 132 бет.

² Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. -Т.: Ўзбекистон, 1998. 6 бет.

асосларини мустаҳкамлашни талаб этади. Агар ҳар бир соҳадаги, жумладан, иқтисодий жабҳадаги ислоҳотлар ғоявий-мафкуравий жиҳатдан таъминланмас экан, жиддий миллий тикланиш тўғрисида фикр юритиш мушкулдир.

Мавзунинг долзарблиги. Республикамиз таълим тизимида сўнгги йигирма икки йил мобайнида ёш авлодни ақлий, жисмоний ва маънавий камолотга етказишда туб ислоҳотлар амалга оширилди.

Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек: “Бу мураккаб дунёнинг азалий ва абадий муаммолари, шу билан бирга, ҳар бир даврнинг долзарб масалаларига ҳар томонлама асосли илмий жавоблар топилган тақдирдагина маънавият олами янги маъно-мазмун билан бойиб боради. Бошқача айтганда, ҳар бир илмий янгилик, яратилган кашфиёт - бу янгича фикр ва дунёқарашга туртки беради, маънавиятнинг шаклланишига ўзига хос таъсир ўтказди”¹.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги “Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-436 сонли қарорига мувофиқ “Олий таълим муассасаларида талабалар илмий-ижодий фаолиятини ташкил этиш тўғрисида намунавий Низом” ишлаб чиқилди. Олий таълим муассасаларида талабаларнинг илмий-ижодий фаолиятини ташкил этишдан асосий мақсад уларнинг илмий-техникавий ҳамда иждодий қобилиятларини ривожлантириш орқали касбий-ижодий тайёргарлик даражасини оширишдир. Бу эса талабаларни ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига жалб этиш шаклларини такомиллаштиришни, мавжуд илмий мактабларни қўллаб-қувватлаб, замонавий талаблар асосида янгиларини ташкил этиш ва ривожлантиришни тақозо этади. Мазкур ҳужжатда ўқув-тарбия жараёнида илмий тадқиқотлар натижаларидан кенг фойдаланиш механизмларини яратиш зарурлиги

¹Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 40-41 бетлар.

белгиланган бўлиб, талабалар илмий-ижодий фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёш илмий-педагог кадрлар тайёрлаш борасида олий таълим муассасаларининг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар кўзда тутилган:

- илмий тадқиқот билан шуғулланишга қобилиятли талабаларни аниқлаш, уларни ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини индивидуал ва жамоа бўлиб бажаришга ўргатиш учун зарур ташкилий, методик ва моддий-техникавий шарт-шароитлар яратиш;

- олий таълим муассасаларида олиб борилаётган ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятида талабаларнинг кенг иштирокини таъминлаш, ёшларнинг илмий-ижодий фаолиятини турли шаклларда ривожлантириш механизмини яратиш ва рағбатлантиришни йўлга қўйиш;

- кафедралар ва факультетларда талабаларнинг илмий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳамда рўёбга чиқариш имконини берувчи ўқув-илмий лабораториялар, илмий-ижодий тўғараклар ва ўқув марказларини ташкил этиш;

- талабаларнинг ўқув машғулотлари ва ғоявий савияси ва маънавий салоҳияти интеграциясини таъминлаш; уларни мустақил иш, курс иши лойиҳаси, битирув - малакавий иш, магистрлик Битирув малакавийлари доирасида турли хилдаги ўқув ва илмий-тадқиқот фаолиятига йўналтириш.

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг илмий-ижодий фаолиятини ташкил этиш ишлари Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Ёшлар йили” давлат дастури, олий таълим муассасасининг Низоми ҳамда “Олий таълим муассасаларида талабалар илмий-ижодий фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги намунавий Низом асосида мувофиқлаштирилмоқда.

Олий таълим муассасаларининг асосий вазифаси юқори малакали рақобатбардош илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлиб, унинг ечимида олий ўқув юртларида амалга оширилаётган ғоявий савияси ва маънавий салоҳияти самарадорлигини оширишнинг педагогик асосларини яратиш соҳасида изланишлар олиб бориш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Олий ўқув юртларида ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини ташкил этиш, унинг самарадорлигини ошириш шунинг учун ҳам муҳимки, талабалар ёш хусусиятларига кўра мустақил фаолият юритиш, микросоциумда ўз ўрнини топиш ва ҳаётий мақсадни белгилаб олишга нисбатан жиддий муносабатда бўладилар. Шунинг учун ҳам талабаларга ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий меъёрларини сингдириш, уларда номақбул хатти-ҳаракатларни содир этишдан ҳимоя қилувчи мезонлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш муҳимдир. Олий ўқув юртларида талабалар томонидан амалга оширилаётган ғоявий савияси ва маънавий салоҳияти учун қуйидаги шарт-шароитларни яратиш тақозо қилинади:

-талабаларда илмий тадқиқотчиликка оид маданиятнинг шаклланишига замин ҳозирлаш;

-талаба-ёшларда ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини амалга ошириш нафақат давлат, балки шахс манфаатларини ҳам қондиришига ишончнинг қарор топишига эришиш;

-талабаларда ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига оид билимларни ўзлаштиришга бўлган ички эҳтиёж ва қизиқишнинг юзага келишини таъминлаш;

-талабаларда ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини олиб бориш меъёрларига нисбатан ҳурматни қарор топтириш;

-талабаларда илмий тадқиқот фаолиятига оид кўникма ва малакаларни шакллантириш;

-талабаларда илмсизликка қарши кураш туйғусини тарбиялаш;

-талабаларда илмий-педагогик маданият ва фаолликни қарор топтириш;

-талабаларда илм орқали билим олиш кўникмаларини шакллантириш.

Президент Ислам Каримов ёзганларидек: “Ўрта асрлар Шарқ тарихи шундан далолат берадики, маданият ва таълим-тарбия, тиббиёт, адабиёт, санъат ва архитектура соҳаларидаги беқиёс юксалиш, илмий мактабларнинг вужудга келиши, янги-янги истеъдодли авлодлар тўлқинининг пайдо бўлиши ва вояга етиши - буларнинг барчаси, биринчи навбатда, иқтисодиёт, қишлоқ

ва шаҳар хўжалигининг анча жадал ўсиши, ҳунармандлик ва савдо-сотиқнинг юксак даражада ривожланиши, йўллар қурилиши, янги қарвон йўлларининг очилиши ва авваламбор нисбий барқарорликнинг таъминланиши билан бевосита боғлиқ бўлган”¹.

Олий ўқув юртларида ғоявий савияси ва маънавий салоҳияти самарадорлигини ошириш учун узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинлари, шунингдек, ижтимоий ташкилотлар, оила, маҳалла ва жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, шахсда илмий тадқиқот маданияти ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида намоён бўлади. Бинобарин, шахснинг илм-фанга бўлган муносабати жамият тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришуви таълим тизими олдида ижтимоий-педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишнинг илмий-педагогик шарт-шароитларини аниқлаш каби долзарб вазифаларни қўймоқда. Бу вазифаларнинг ечими амалга оширилаётган ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятининг сифати ва самарадорлигига боғлиқ.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов олий ўқув юртларида ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини самарали ташкил этиш жамият ривожланишининг муҳим омили эканлигига алоҳида урғу бериб келмоқда.

Жамият тараққиёти учун зарур, долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига қаратилган ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини амалга ошириш ушбу жараённинг асосий мақсадларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ҳамда "Ёшлар йили" давлат дастури мазмунида ҳам ҳар томонлама етук илмий-педагог кадрларни тайёрлашнинг моҳияти кенг ёритиб берилган.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да узлуксиз таълимнинг барча бўғинларида таълим олувчиларнинг ҳуқуқий, иқтисодий билимларини

¹ Президент Ислам Каримовнинг “Ўрта асарлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. “Халқ сўзи” 16.05.2014. 1 бет.

ошириш, олий ўқув юртларида таҳсил олувчиларнинг таълим-тарбиясини такомиллаштириш, маданиятли ва ўз эътиқодига содиқ ёшларни тарбиялашга бўлган эътиборни ҳар қачонгидан ҳам кучайтириш зарурлигига алоҳида урғу берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан тақлиф этилган ва мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” бугунги кунда жаҳон миқёсида эътироф этилди ва ўзининг дастлабки самараларини бермоқда.

Жамият аъзоларининг ижтимоий фаоллиги уларнинг илмий салоҳияти ҳамда илмий дунёқараши билан белгиланади. Ҳозирги даврда тараққий этган давлатларнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий раванқи фан тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир. Кадрлар тайёрлаш миллий моделида фаннинг табиат ва жамият тўғрисидаги фундаментал ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш, юқори малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлаш жараёнини илмий жиҳатдан таъминлаш инфраструктурасини вужудга келтириш, мамлакатимиз илм-фанининг жаҳон илм-фанига интеграциясини ташкил этиш каби вазифалар белгилаб берилган.

Бундай долзарб вазифалар тизимида талаба кадрларни илмий фаолиятга тайёрлаш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Чунки таълим соҳасидаги ислохотлар фақат малакали кадрлар тайёрлашга хизмат қилиб қолмай, балки фуқаролик жамиятининг илмий салоҳиятини ривожлантиришга ҳам қаратилгандир.

Мавзунининг ўрганилганлик даражаси. Инсонни ақлий ривожлантириш масаласи кишилик жамияти тараққиётининг барча босқичларида мутафаккирлар ҳамда файласуф, тарихчи, психолог ва педагог олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Буни, Шарқ алломалари томонидан яратилган илмий-ахлоқий асарларда кўриш мумкин.

Қомусий олимлар - Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Кайковус, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний ва бошқаларнинг баркамол инсоннинг ақлий тарбиясида

илм-фаннинг ўрни ҳақидаги қарашлари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотган эмас.

Олимлардан, устозимиз Нилуфар Темирова “Талаба ёшларнинг маънавий шаклланишида миллий ва умуминсоний кадриятлар диалектикаси”¹ ва Бахтиёр Рахимов “Талаба - ёшларни ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига йўналтириш асослари” монографияси² каби тадқиқотларида талабаларнинг маънавий шаклланишида миллий ва умуминсоний кадриятларнинг ўрни, ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини ташкил этишнинг ижтимоий-психологик моҳияти илмий жиҳатдан асослаб берилган. Шунингдек, уларда талабаларнинг касбий қобилияти, эҳтиёжи, психологик хусусиятлари ва унга таъсир этувчи омиллар ҳамда ижтимоий муҳитнинг таъсири масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Бевосита талаба шахсини илмий фаолияти, ижтимоий фаоллиги масаласи Муқсимов А., Назаров Қ. “Студент ёшларнинг ижтимоий фаоллиги”³ ва Ғайбуллоҳ ас-Салом, Сайди Умр. “Толибнома”⁴ асарларида ҳам ўрганилган. Айниқса, педагогика фанлари доктори Бахтиёр Рахимов тадқиқотларида ёшларнинг илмий-ижодий фаолияти масалалари атрофлича таҳлил этилган.

“Студент ёшларнинг ижтимоий фаоллиги” рисоласида талабаларни ижтимоий фаоллиги кўрсаткичлари очиб берилган⁵:

- ўқув жараёнида фаол иштирок этиш билан юқори натижаларга эришиш;

- илмий-тадқиқот ишларида, ижтимоий фойдали меҳнатнинг турли соҳаларида фаол қатнашиш, ташаббускор, ўртоқларига ўрнак бўлиш;

¹Темирова Н. Талаба ёшларнинг маънавий шаклланишида миллий ва умуминсоний кадриятлар диалектикаси. Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: 2007.

² Рахимов Б.Х. Талаба - ёшларни ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига йўналтириш асослари. Монография. -Тошкент: Фан, 2007.

³ Муқсимов А., Назаров Қ. Студент ёшларнинг ижтимоий активлиги. -Т.: Ўқитувчи, 1987.

⁴ Ғайбуллоҳ ас-Салом, Сайди Умр. Толибнома. -Т.: Шарқ, 1997.

⁵ Муқсимов А., Назаров Қ. Студент ёшларнинг ижтимоий активлиги. -Т.: Ўқитувчи, 1987. 16 бет.

-олий ўқув юрти ва ундан ташқаридаги оммавий-сиёсий, маданий ҳамда шу каби жамоатчилик ишларида ва уларни ташкил қилишда фаол қатнашиш;

-жамоат ташкилотларининг бирида ишлаш ва уларнинг топшириқларини масъулият ҳис қилган ҳолда бажариш.

Ижтимоий фаоллик формалари инсон фаолиятининг асосий формалари билан, меҳнат ва оммавий-сиёсий фаолият билан ҳамоҳанг бўлишни тақозо қилади.

Олиб борилган тадқиқотлардан муҳим илмий ва амалий хулосалар олинган бўлса-да, бироқ, талаба - ёшларни бевосита илмий фаолиятга тайёрлаш масаласи илмий тадқиқотлар натижасида ўзининг тўлақонли ечимини топган эмас. Хусусан:

- педагогик касбига тайёрлаш бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларда талаба - ёшларнинг ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини ташкил этиш юзасидан алоҳида мавзулар ажратилмаган;

- таълим жараёнида илм асосида билим олиш тамойилига махсус эътибор қаратилмаган;

- педагогик амалиётлар дастурида талаба - ёшларнинг илмий ишлари фаолияти кўзда тутилмаган.

Илмий таҳлил ва кузатишлар шуни кўрсатадики, талаба - ёшларни илмий фаолиятга тайёрлаш масаласи бугунги кунда педагогика фанининг ўзида содир бўлаётган янгиликлардан орқада қолиб кетмоқда.

Тадқиқот муаммосига доир илмий-педагогик адабиётлар таҳлили мазкур муаммога доир илмий, услубий ва амалий жиҳатдан асосланган илмий тадқиқотлар олиб борилмаганлиги ушбу масалада муайян ютуқларга эришиш йўлида жиддий тўсиқ бўлаётганлигини кўрсатди. Шунга кўра, юқорида қайд этилган ҳолатлар **“Талабаларнинг ғоявий савияси ва маънавий салоҳияти”** номли мавзунини БМИ сифатида танланишига асос бўлиб хизмат қилади.

БМИнинг мақсади – талаба-ёшларни ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига йўналтириш жараёнини ижтимоий-педагогик ва илмий-амалий жиҳатдан асослаш ҳамда талабаларни тадқиқотчилик фаолиятига йўналтириш юзасидан илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

БМИнинг вазифалари:

1.Мавзуга оид педагогик-психологик, фалсафий-тарихий ҳамда илмий-методик адабиётлар, меъёрий ҳужжатларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, талабаларнинг илмий тадқиқотчилик фаолиятини шакллантириш долзарб педагогик муаммо эканлигини асослаш.

2.Талаба - ёшларнинг ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига оид фаолиятини шакллантиришнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш.

3.Талаба - ёшларнинг ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига оид фаолиятини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва мезонларини белгилаш ҳамда тажриба-синов асосида уларнинг сифатини аниқлаш.

4. Талаба - ёшларнинг ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига оид фаолиятини шакллантириш юзасидан илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш.

БМИ методлари: умумлаштириш, таҳлил, анкета, савол-жавоб, суҳбат, кузатиш, педагогик мониторинг, педагогик прогностика, педагогик эксперимент, математик статистика.

БМИ вазифалари:

1.Талаба - ёшларнинг ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига оид фаолиятини шакллантириш долзарб педагогик муаммо эканлиги.

2.Талаба - ёшларнинг ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига оид фаолиятини шакллантиришнинг мавжуд ҳолати таҳлили.

3.Талаба - ёшларнинг ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига оид фаолиятини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, мезонлари, мазмуни, шакли, воситалари, усул ва методлари.

4.Талаба - ёшларнинг ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига оид фаолиятини шакллантиришга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ва уларнинг самарадорлилик даражаси.

5.Олий ўқув юртларида ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятининг самарали ташкил этилиши жамият ривожланишидаги муҳим омиллардан бири эканлиги.

БМИнинг илмий янгилиги:

1. Талаба - ёшларнинг ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига оид фаолиятини шакллантириш долзарб педагогик муаммо эканлиги назарий-амалий жиҳатдан асосланди.

2.Талабаларнинг илмий тадқиқотчилик фаолиятини шакллантириш жараёнининг ижтимоий хусусиятлари, мазмуни, шакли, усул ва методлари белгилаб берилди.

3.Талаба-ёшларнинг илмий фаолияти самарадорлигини таъминловчи омиллар аниқланди.

4.Талаба - ёшларнинг илмий-ижодий фаолияти даражасини аниқловчи мезонлар ишлаб чиқилди.

5. Олий ўқув юртларида ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини самарали ташкил этиш жамият ривожланишининг муҳим омилларидан бири эканлиги асослаб берилди.

БМИнинг илмий ва амалий аҳамияти. БМИда талаба - ёшларни тадқиқотчилик фаолиятига ўргатишга қаратилган назарий ёндашувлар, илмий фаразлар, концепциялар, илмий-методик тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди. Ушбу ёндашувлардан олий ўқув юртларида ёш олимларнинг тўғараклари ва уюшмалари, талабаларнинг илмий ишлари дастурларини тузиш, битирув - малакавий ишларини режалаштириш, дарслик ва ўқув қўлланмалари мазмунини белгилашда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий кириш, 3 боб, 6 та параграф, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, 70 саҳифани ташкил этади.

I-БОБ. ТАЛАБАЛАРНИ ҒОЯВИЙ САВИЯСИ ВА МАЪНАВИЙ САЛОҲИЯТИГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Мустақилликнинг маънавий асослари.

Ҳар бир халқ жаҳон маданиятига ўзининг улкан ҳиссасини қўшади. Миллий маданият ҳозирги даврнинг тарихий жараёнларидан ташқарида ривожлана олмайди. Бир миллатнинг бошқа миллат ютуқларини ўзлаштириб олиш унинг маданиятининг яшаш қобилиятини, яшовчанлигини таъминловчи муҳим мезонидир. Ўз миллатини бойитиб, ўзининг маънавий қадриятларини бошқа миллатлар билан баҳам кўриш одамларнинг бир-бирини тушунишларини ва бошқа миллатга мансуб бўлган қадриятларни идрок этишларини таъминлайди.

Лекин, тан олиб айтиш мумкинки, бугунги ҳаётимизда миллий маданиятга бошқача ёндашувлар ва қарашлар ҳам мавжуд. Хусусан миллий маданият умуминсоний маданиятнинг тескариси деб талқин этиш миллий маданият бу архаизмдир ва у тарих саҳнасидан кетиши муқаррар (кељагаги йўқ деб ҳисоблаш), умуминсоний маданият миллий маданият билан келиша олимайди, унга ёт, умуминсоний маданият миллий бўлмаган маданиятнинг сунъий типидир деган қарашлар шулар жумласидан. Бундай қарашлар билан келишиб бўлмайди. Гап шундаки маданият ўзида ҳамма вақт миллий элементларни мужассамлаштиради. Уни инкор этиб бўлмайди. Реал маданий амалиётни инкор этиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам, миллий маданиятларнинг бир-бирлари билан ҳамкорлиги ва уйғунлиги ғояси стратегик аҳамиятга эгадир.

Миллий борлиқнинг чегаралари кенгайиб бормоқда. Ҳаёт шунда ўзгаряптики, биз узоқ вақтлар миллий деб ҳисоблаган белгилар инсонлар турмуши ва онгидан чиқиб кетмоқда. Лекин, инсонларни ўзаро боғлаб, яқинлаштириб турадиган кўпгина нарсалар умумий тақдир, умумий давр, вақт ва маконга эгадир.

Бунда муҳитни, конкрет вазиятни, энг муҳими янги инсонлар руҳиятини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Маданиятнинг миллий ўзига хос хусусияти-бу узоқ ўтмишдан келаётган миллий хусусиятлар мажмуигина эмас, балки ”Миллийлик” тушунчаси фақатгина, тажрибан ўтган ва шаклланган жиҳатлар эмас, балки ҳозирги воқеликда шаклланаётган жиҳатларни ҳам ўз ичига олади.

Инсонларнинг ўз миллий маданияти негизларини билишга интилиши табиий ва қонуний ҳолдир. Миллий ўз-ўзини англаш феномени ҳам табиий ҳодисадир. У миллат яхлитлигининг мезони, инсон маданияти, тарихи узвийлигини, бир бутунлигини таъминловчи ворислик ипларининг намоён бўлишидир.

Ўзбекистон инсонни кадрлаш, унинг маънавий дунёсини бойитиш, демократик ислохотлар марказига инсон шахсини, унинг манфаатларини кўйган. Жамиятнинг маънавий янгиланиши инсон шахсининг маънавий камолоти туфайли содир бўлади. Шунинг учун миллий кадриятларнинг шахс маънавий камолотига ва жамиятнинг маънавий янгиланишига таъсири махсус тадқиқ этилди. Бу жараёнлар¹:

-маънавий янгиланишнинг бош мезони қилиб инсоннинг ҳар томонлама камолотини;

-шахснинг ижтимоий ўзгаришлар субъектига айлантиришни;

-маънавий янгиланишни халқимиз тарихий-маданий мероси ва анъаналарига асосланишини;

-жамиятнинг барча соҳаларини маънавий бойликлар яратишга йўналтиришни;

-халқаро алоқаларда умуминсоний маънавий бойликларни ўзлаштиришни;

¹ Темирова Н. Талаба ёшларнинг маънавий шаклланишида миллий ва умуминсоний кадриятлар диалектикаси. Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. -Т.: 2007. 123-124 бетлар.

-миллатлараро ва халқлараро муносабатларда аҳиллик, тинчлик, ҳамкорлик, биродарлик, ҳамжихатликни таъминлашни;

- ёшларнинг илм-фанни эгаллашга интилишини таъминлашни;

-юксак маданиятли, маърифатли ёшларни вояга етказиш учун зарур ташкилий-амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқишни;

-ижтимоий-маънавий тарбия жараёнида узлуксизликни таъминлаш, барча маданий-тарбиявий жараёнларни миллий истиқлол ғояси асосига қуришни тақозо этади.

Маънавий янгилашиш негизида шахс, ҳар бир ёш йигит ва қиз қалбида эркин яшаш, дунёдаги илм, маърифат, тараққиёт дарғалари билан баҳслаша олиш иштиёқини уйғотиш, бунинг учун эса тинмай ўқиш, ўрганиш ва изланиш кўникмасини шакллантириш ётади.

Шу маънода миллий ўзликни англашнинг ривожланганлик даражаси миллатнинг маърифийлашганлик мезонини билдиради. Боз устига маданий вазият миллий ўз-ўзини англашнинг намоён бўлиши учун янги шарт-шароитлар яратмоқда.

Ҳақиқий миллий ўз-ўзини англашга бошқа миллатни қабул қилаолмаслик ётдир. Лекин бу ҳодиса миллатчиликка ҳам айланиб кетиши мумкин. Миллатлар ўртасидаги ихтилофлар эса миллатнинг ўзининг ичидаги қаршилиқларга, носоғлом уруғ-аймоқчиликка олиб келиши мумкин. Айрим жойларда миллий ўзликни англаш ва тикланиш миллий ихтилофларга айланиб кетиш ҳоллари юз бермоқда. Миллатчилик ва сеператизм халқлар ўртасидаги ихтилофларнинг янги тўлқинининг юзага қалқиб чиқишига замин яратиши мумкин. Кейинги вақтларда “ватанпарварлик” тушунчаси кўпроқ ишлатиладиган бўлиб қолди. Аммо Ватанга муҳаббат доимо муқаддас ва соф туйғу бўлгани учун ҳам унга эҳтиёткорлик билан ёндашиш лозим. Бошқаларни камситиш ҳисобига ўз миллатини ҳаддан ташқари ошириб мақташ ватанпарварлик эмас, балки ватанпарварлик ниқобидаги миллий калодимоғликдир. Ҳақиқий ватанпарварлик асосида миллий бағрикенглик

тамойили ётади, миллатини ва ўз маданиятини севган ҳолда, бошқа маданиятда ҳам арзигулик қадриятлар борлигини англаш қийин эмас.

Шуни ҳам айтиш зарурки, “миллий ифтихор”, «миллий ғурурлик такаббурлик» тушунчалари бир хил тушунчалар эмас.”Миллий ғурур”да ошқора кўз-кўз қилмасдан, ўз ютуқлари билан фахрланиш бўлса, “Миллий кибрда”-ўзининг кичкинагина ютуғи, хатто ўз камчилиги билан ҳам ортиқча кеккайиш мавжуддир. Бу фарқни англаш даражасига кўтарилишда бошқа халқлар ва миллатлар маданиятлари билан ўзаро ҳамкорлик ва алоқада бўлиш тажрибаси катта ёрдам беради.

Миллатчилик, шовинизм, инқчилик-прогрессив миллий маданиятга тўғри келмайдиган, унга бегона ҳодисалардир. Янги тарих бундан кўпгина гувоҳликлар беради. Маданиятларнинг ўз қобиғида яшаши, биқиқлик даври тугаб XXI аср ижтимоий онгида уларнинг узвий боғлиқлиги ғояси қарор топмоқда.

Интеграцион жараёнлар миллий маданиятга хавф солаётгани йўқ. Аксинча тараққиёт учун янги-янги имкониятларни очиб бермоқда. Қандайдир ўзига хос сийқалашган сохта маданият яратишга бўлган уриниш эса миллий маданиятга хавф-хатар туғдирмоқда. Инсон руҳияти андоза, бир хил қолипни хуш кўрмайди, у ўзини ифодалашнинг такрорланмас шаклларини излайди.

Халқларнинг миллий ўзлигини сақлаб қолиш ва ривожлантириш орқали дунёда миллий қадриятларнинг инқирозга учрашининг олдини олиш, жаҳон маданияти тақдири учун қайғуриш мумкин. Миллий маданиятлар интеграцияси, миллий маданиятнинг йўқолиши, ўзлигидан маҳрум бўлишига эмас, аксинча бойитиш, ўсишга, имониятларнинг очилишига, ҳар бир халқдаги миллий анъаналарни, ўтмиш маънавий меросини, тарихий тажрибасини билишга ёрдам беради.

Демак, миллатлараро муносабатни уйғунлаштириш йўли кўпроқ даражада маданият орқали юз беради. Табиийки, халқларнинг ўзига хослигини, мослигини сақлаб қолиш муҳим. Ўзига хослик ва мосликни

маънавий қадриятлар тизими сифатида қараш лозим, унинг ташувчиси алоҳида этник гуруҳлар бўлиб, ўзининг ўзига хос маданияти, тарихий тараққиёти давомида шакллантирган ёки ишлаб чиққан. Шундай қилиб, бугунги дунё Шарқ ва Ғарб миллий маданиятининг мураккаб мозаикаси, унинг намоён бўлишидир.

Истиқлолга эришган ҳар бир халқ, миллат ва давлат ўз тараққиёт йўлларини қидиради. Сиёсий ҳокимиятни қўлга олиш миллий тараққиёт учун дастлабки қадам, барча муаммо ушбу ҳокимиятни қўлда сақлаб қолиш, кишилар қалбида истиқлолга ишонч уйғотиш ва уларни жамиятни янгилашга жалб этишдадир.

Шунинг учун ҳам Президент Ислам Каримов ўз мамлакати истиқболи ҳақида фикр юритар экан, қуйидагича таъкидлайди: “Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрат манбаи халқимизнинг миллий қадриятларимизга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик кўртақларини асрлар бўйи авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни маънавий янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун шарт-шароит яратишдир”¹.

Фалсафий тафаккур асосидагина бу муаммолар билан боғлиқ бўлган тарихий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий, мафкуравий масалаларни чуқур илмий умумлаштириш, асосий қонунлари ва қонуниятларини очиб бериш мумкин. Бу борадаги фалсафий умумлашмалар ўтмишнинг илмий якуни ҳамда истиқлолни тўғри англаш, тараққиётга йўналтирилган мафкура учун зарур бўлган муҳим дастур ҳамдир.

“Жамиятнинг маънавий янгиланишида, - дейди Президентимиз И.Каримов, - биз бир нарсани яхши англаб олишимиз керакки, умумий ва махсус билимларга эга, онгли, тафаккури ҳар хил “изм”лардан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган

¹ Жўраев Н. Миллий истиқлол мафкураси, шаклланиш жараёни. // Шарқ машъали. 1998. - 3-4 сон. 6 бет.

инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни янада такомиллаштиришга қодир бўлади.

Таълим моделидан кўзланган бир мақсад бор. Унинг воситасида биз дунёдан муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб тараннум этишга эришамиз.

Бугун халқаро ҳаёт, кишилик тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳар қилувчи аҳамият касб этади. Амир Темур бобомизнинг “Куч – адолатда” деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтadиган бўлсак, мен унга қўшимча қилиб “Куч – билим ва тафаккурда” деган бўлардим”¹.

Хулоса қилиб айтганда, маданиятлар миллий ва умуминсоний негизда ривожланади бир-бирини тўлдириб боради. Миллий истиқлол ғоясининг бу икки муҳим негизига таяниши, Ўзбекистон халқи маданияти ривожини учун ҳам, Республикаимизнинг дунё тараққиётида муносиб ўрин олиш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги замон ёш авлодини бугунги кун талаблари асосида тарбиялаш лозим². Бу миллий тараққиётимизнинг ўзига хос қафолатидир.

¹ Баркамол авлод орзуси. - Т.: Шарқ, 1999. 80 бет.

² Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1995. 105 бет.

1.2.Талабаларни ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятга

йўналтириш.

Жамият тараққиётини жамият аъзоларининг илмий салоҳияти белгилаб бериши, ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини олиб боришнинг асосий мақсади жамият ва табиатдаги ўзгаришлар моҳиятини англаб етиш ва унга хос қонуниятларни кашф қилишдан иборатлиги илмий-назарий жиҳатдан асосланган.

Президент И.А.Каримов “Фан Ватан равнақига хизмат қилсин” номли асарига: “...Бизнинг эндиги вазифамиз-маънавий ҳаётимизни, илм-фанамиз фаолиятини, изланишларимизни мана шу эски мафкура қолипларидан халос этиш, керак бўлса, тафаккуримизни мутелик исканжасидан фориғ этишимиз зарур”¹, - деб таъкидлаган эди.

Маълумки, талабалик даврида оламни билишга, фалсафий мушоҳадага, психологик таҳлилга, мантиқий фикрлашга иштиёқ ва ҳаракат кучли бўлади. Шу билан бирга, уларда фантазияга мойиллик ҳам кучли бўладики, мана шу физиологик-психологик ҳолат тафаккурни ривожлантириш, билишга интилиш, ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини бажариш учун муҳим омил ҳисобланади.

Талабаларнинг илмий тадқиқот фаолияти, авваламбор, илмий фаолият характериға мутаносиб бўлган ҳамда шахсий хусусиятларини ривожлантиришга қаратилган усул (метод) ва педагогик шарт-шароитлар тизимини яратишни тақозо этади.

Талабаларнинг ижодий тасаввурини ўрганиш ва ривожлантириш, бизнингча, илмий тадқиқот фаолияти самарадорлигини ошириш учун янги уфқларни очади, чунки олимнинг шахсияти айнан талабалик даврида шаклланади. Ёшларда рефлексия, яъни ўз билимлари чегараларини билиш ва

¹ Каримов И.А. Фан Ватан равнақига хизмат қилсин. 6 томлик асарлар, II том. -Т.: Ўзбекистон, 1996. - 79-80-бетлар.

бу чегаралардан чиқа олиш кўникма ва қобилиятлари айнан талабалик даврида намоён бўлади.

Талаба - ёшларни ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига йўналтириш давлат ва жамият тараққиёти билан бир қаторда муайян ҳиссий-руҳий эҳтиёж касб этиши ва буни ҳар доим назарда тутиш лозимлиги маълум миқдорда илмий асосланган бўлиб, бу ерда фикрларнинг уйғунлиги, илмий изланишлардаги ижтимоий-педагогик ва ижтимоий-психологик ҳамкорлик алоҳида кўзга ташланиб туради.

Илмий тадқиқотлар таҳлилларидан маълум бўладики, ҳар қандай илмий - ижодий фаолият шахснинг ҳиссиёти, эҳтиёжи, руҳий-ақлий тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ равишда амалга ошади. Бинобарин, ҳар қандай ўқитувчи илмий тадқиқот фаолияти талаба шахсининг ақлий камолотини таъминловчи омил эканлигини билиши лозим.

Ёшларнинг жамиятда тутган ўрни ва роли мураккаб масаладир. Демократик жамият қурилиши даврида ёшларнинг социал-сиёсий, ижтимоий фаоллиги тобора кучайиб бормоқда. Мамлакатимизда ёшларнинг ўқиш ва ижодий меҳнатда, жамият ҳаётида фаол қатнашишлари учун зарур бўлган барча шароитларни яратиб бериш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келинмоқда.

Талабалик йиллари¹ - ёшлар ҳаётининг энг муҳим, ривожланиш давридир. Бу даврда ёшлар жисмоний ва фаол жиҳатдан камолотга етадилар, ҳаёт маъносини чуқурроқ, англайдилар, жамиятда ўз ўрнини топиш йўлида излаланадилар. Худди ана шу даврда юксак идеаллар учун фаол курашчининг хусусиятлари шаклланади, тажрибаси ортади. Бинобарин, талабалик даври - орзу ва ишончлар, келажакка интилишлар, бўлажак режаларнинг шаклланиш давридир. Ана шу даврда ёшлар ижтимоий меҳнатни тўғри баҳолай оладиган, мамлакат олдидаги вазифаларни, шахс ва жамият манфаатларининг уйғунлигини, жамият бойликларининг қийматини,

¹Темирова Н. Талаба ёшларнинг маънавий шаклланишида миллий ва умуминсоний кадрлар диалектикаси. Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. -Т.: 2007. 50 бет.

Давлатимиз белгилаб бераётган вазифаларни тўғри англашга интиладиган баркамол шахсга айланадилар. Шу боисдан ҳам ижтимоий тараққиёт талаба ёшларнинг ижтимоий фаолиятининг ҳамма соҳаларида фаол бўлишини, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанликни талаб этади.

Олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшлар бу хусусиятларни ижтимоий ҳаётда тўла намоён этиш имкониятига эгадирлар.

Талаба ёшлар деганимизда, ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда олий ўқув юртларида таълим олаётган 17-27¹ ёшлардаги йигит ва қизлар тушунилади. Мамлакатимизда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшларнинг умумий сафи йилдан-йилга тез суръатлар билан ўсиб бормоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон маънавий юксалди, унинг умумий таълим ва маданий қиёфаси ўзгарди. Республикаимизда фақатгина умумий ўрта таълимгина амалга оширилиб қолмай, балки меҳнаткашлар учун ҳозирги фан ва маданиятнинг барча ютуқларидан баҳраманд бўлишга имкониятлар очилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 10 мингдан ортиқ умум таълим мактабларида 5 млн.га яқин ўғил-қизлар таълим олмоқда. Юзлаб лицей-коллежларда 360 минг дан ортиқ ўқувчи ихтисос ўрганмоқда. 63 та олий ўқув юртларида ҳар йили 52 мингга яқин малакали мутахассис тайёрланиб, ҳаётга йўлланма олмоқда. Улар халқ хўжалигининг барча соҳаларида муваффақиятли меҳнат қилмоқдалар.

Ҳар томонлама етук кишини камол топтириш ўз-ўзидан амалга ошмайди, албатта. Бунинг учун кўп йиллар давомида тинимсиз ғоявий-сиёсий тарбия жараёнини амалга ошириш - ёшларда, жумладан, талабаларда юксак эътиқодни, демократик идеалларга чексиз ишончни, ғоявий матонатни, сиёсий ҳушёрликни, бузғунчи ғоя ва мафкураларнинг зарарли таъсирига қарши курашиш кўникмасини шакллантириш керак.

¹ Темирова Н. Талаба ёшларнинг маънавий шаклланишида миллий ва умуминсоний кадриятлар диалектикаси. Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. -Т.: 2007. 51 бет.

Бугунги талаба ёшлар эртанги кунда мамлакатимиз олдида турган улуғвор вазифаларни амалга оширишга тайёрланаётган кишилардир. Бугунги талабалар истиқлол машъалини ёққан кишилар авлоди, улар яратаётган янги жамиятни келажак томон олиб борувчи ёшлардир. Улар бу борадаги масъулиятни доимо эсда тутмоқлари керак.

Бугунги жамият талаблари, илмий-техника ва технология суръатлари ўсиб бориши, талаба ёшлар бажараётган ижтимоий функцияларни янада мураккаблаштирмоқда. Бу ижтимоий функциялар қуйидагилардан иборатдир¹:

1) жаҳон халқлари ҳаётини, мамлакатимиз ривожини, тараққиётнинг ўзбек моделининг моҳиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш;

2) фан-техника ва технологиялар асосларини чуқур эгаллаш;

3) касбга алоқадор бўлган профессионал ва ижтимоий кўникмаларни меҳнат билан, сиёсий ва ахлоқий маданиятни тинмай ўстириб бориш йўли билан ҳосил қилиш;

4) ижтимоий-сиёсий фаолиятда ўз меҳнати билан фаол қатнашиш;

5) келажакдаги мустақил, ижодий фаолият учун зарур бўлган махсус билимларни эгаллаш, янгича дунёқарашни шакллантириш ва ҳоказолар.

Бу хусусиятлар талаба ёшларнинг фаол ижодий меҳнатида ўз ифодасини топади. Талаба ёшлар бу даврда ўз меҳнат фаолияти турини, ўзининг маънавий идеалини белгилаши, муайян турмуш тарзини ҳосил қилиши лозим. Бинобарин, талаба меҳнати ўзининг алоҳида хусусиятларига эга бўлган ақлий меҳнат экан, демак бу меҳнат аъло ўқишда, илмий фаолиятда ва фан асосларини ижодий ўзлаштиришда ўз ифодасини топади. Бу эса талаба ёшларнинг профессионал фаолиятидир.

Маънавий соҳадаги фаолликнинг моҳияти ва мазмунини аниқлар эканмиз, аввало: биринчидан, унинг ўзи нима, у инсоннинг маънавий

¹ Темирова Н. Талаба ёшларнинг маънавий шаклланишида миллий ва умуминсоний кадрлар диалектикаси. Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. -Т.: 2007. 52 бет.

қиёфасидаги ўзига хос хусусиятми ёки маълум бир тарзда намоён бўладиган ижтимоий фаолиятми?- деган масалага эътибор бериш лозим.

Иккинчидан, инсоннинг ҳар қандай фаолиятига фаоллик тушунчасини татбиқ этиш мумкинми ёки у фаоллик инсоннинг бунёдкорлик, ташаббускорлик, ижодий фаолиятида вужудга келадими?

Учинчидан, маънавий фаоллик барча кишиларга хосми ёки фақат баъзи жамият аъзоларига тааллуқлими? Ҳозирги босқичда қандай кишилар фаолиятини маънавий фаоллик дейиш мумкин?- деган қатор масалаларни англаб олишимиз керак.

Кишиларнинг маънавий фаолиятини конкрет тарихий фактлар асосида таҳлил қилаётганда фаолликнинг бир-бирига боғлиқ, бўлган жиҳатига алоҳида аҳамият бериш лозим.

Маънавий фаоллик маълум бир тарихий шароитда, муайян даврда яшаётган ва ўзининг яшаш шароитини, ижтимоий муҳитини ўзгартиришга тайёр турган шахсларнинг жамиятни туб ислоҳ қилиш ишига қобиллигидир. Яъни маънавий соҳадаги фаоллик — бу кишининг ижтимоий борлиққа, конкрет тарихий шароитга, жамиятдаги муайян жараёнларга онгли, фаол муносабатидир.

Жамиятимиз ривожининг ҳозирги босқичида ёшларнинг маънавий соҳадаги фаоллиги уларнинг ўз фаол ҳаётий позициясини онгли ва ижодий равишда амалга оширишидан иборатдир. Бундай позиция — юртимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриши сиёсатининг моҳиятини билишни, ижтимоий ҳодисаларга теран муносабатни, жамият тараққиётининг устувор вазифаларини чуқур ўрганишни, яъни назария билан амалиётни моҳирона қўшиб олиб боришни, меҳнатга фаол муносабатни, юксак эътиқод ва ахлоқий фазилатларни намоён этишни англатади.

Шундан келиб чиқиб, “Миллий ғоя ва миллий мафкура талабларига жавоб бера оладиган “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш”дек бош ғоямизни амалга оширувчи бўлажак мутахассисда шаклланаётган илмий-ижодий фаолият, илмий дунёқараш қандай талабларга жавоб бериши

керак? Талабанинг мафкуриси қандай ижтимоий талаблар асосида шаклланоми лозим?” деган саволлар тадқиқот иши жараёнида ўз ечимини топтоми лозим, деган вазифани ўз олдими зга қўйдик. Шахснинг мафкуравий онги муайян илмий дунёқарашлар мувозанатида ўз ечимига эга бўлмиги лозим. Шунинг учун олий таълим тизимида шаклланадиган талабанинг илмий-ижодий фаолияти фақат янги билимларни ўрганиш, маълумот олиш билан чекланадиган бўлса, унинг ижтимоий моҳияти юзаки бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2007 йил 28 февралдаги № 37 сонли буйруғи 4-иловаси билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида талабалар илмий-ижодий фаолиятини ташкил этиш тўғрисида намунавий низом”нинг 9-бандида олий таълим муассасаларида талабалар илмий-ижодий фаолиятини ташкил этишнинг асосий тамойиллари қуйидагича белгиланган:

-таълим-тарбия, ўқув ва илмий тадқиқот жараёнлари интеграциясини таъминлаш;

-таълим жараёнини ташкиллаштиришда талабалар илмий-ижодий фаолиятининг турли шакллари жорий этишни назарда тутиш ҳамда унинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш;

-талабаларнинг илмий-ижодий фаолияти иштирокчиларини моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг турли шакллари жорий этиш;

- талабаларнинг илмий-ижодий фаолиятини ташкил этишда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, докторант ва аспирантлари ҳамда соҳа мутахассислари ва илмий тадқиқот муассасалари ходимларини кенг жалб этиш.

Юқоридаги таҳлиллар мавжуд ҳолатни яхшилаш, талаба - ёшларни ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига мақсадли йўналтириш ҳамда олий ўқув юртларининг илмий салоҳияти кўрсаткичларини кучайтиришга катта талаб борлигини кўрсатиб турибди.

Албатта, жадвалда ўз ифодасини топган талаба - ёшларнинг ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига оид фаолиятини шакллантиришнинг ўзига

хос хусусиятларига сўнгги нуқтани қўйиб бўлмайди. Чунки улар давр ўтиши билан ўзгариб, такомиллашиб боради.

Бўлажак мутахассисларда талабалик давридан ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига оид илмий дунёқарашни шакллантириш, ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини мақсадли, онгли равишда бажаришга оид кўникмаларни ҳосил қилиш мақсадида иқтидорли, илмий фаолиятга лаёқати бор бўлган истеъдодли, фаол талабалар танлаб олинди ва уларга кафедра томонидан ишлаб чиқилган республикамизда ҳамда минтақада долзарб ҳисобланган тадқиқот мавзулари тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2007 йил 28 февралдаги 37- сонли буйруғи 4-илоvasи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида талабалар илмий-ижодий фаолиятини ташкил этиш тўғрисида намунавий низом” бу ҳаракатларни янада такомиллаштириш учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Юқорида қайд этилган намунавий низомга асосланган ҳолда шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳозирги замонни илм-фан тараққиётисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Илм-фаннинг ютуғини ҳисобга олмасдан, саноат ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб бўлмайди. Шунинг учун фанларни ўқитиш самарадорлигини оширишнинг ечими сифатида ёшларни мактаб давридан ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига йўналтириш замонавий таълимнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. Мафкуравий профилактика хилма-хил шаклларда ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган ғоявий, мафкуравий-тарбиявий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ишлар мажмуи, яъни, таълим-тарбия тизимини қамраб олади. Бу борада учта ва бошқа қўшимча дастурлар ишлаб чиқилганлигини алоҳида қайд этиш ҳам лозим¹.

¹ “Фалсафанинг долзарб муаммолари” мавзусида (Академик Мубин Баратов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган) республика илмий-амалий анжуман материаллари. 1-китоб. –Гулистон: Университет, 179 бет.

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (1997 йил 29 август).

2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва Республика таълим тизимига жорий этилган (2001 йил 18 январь).

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури (2004 йил 9 июль).

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар йили” Давлат дастури тўғрисида” ги Қарори (2008 йил 29 февраль).

5. “Баркамол авлод” Давлат дастури (2010 йил 27 январь) ва ҳ.к.

Таълим тизимида амалга оширилган ислохотлар юртимизда маданият ва маърифатни янада юксалтиришдек дунёдаги энг эзгу мақсадлардан бирига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда 76 та олий ўқув юрти, жумладан, 19 та университет, 36 та институтлар, 2 та академия, 1 та консерватория, 1 та рақс ва хореография олий мактаби, 11 та ОТМ лар филиаллари, 6 та хорижий давлатлар ОТМларининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда, уларда 400 мингдан зиёд талаба юксак замонавий талаблар асосида таҳсил олмоқда¹.

Таълим соҳасидаги ютуқларимизни, бу борадаги тажрибаларимизни энди бошқа давлатлар ўрганмоқда. Бу борада 2012 йилнинг 17 феврилида Тошкент шаҳрида очилган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш-мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги ҳалқаро конференцияни мисол қилиб кўрсатиш ўринлидир. Унда БМТ, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёти банки вакиллари, дунёнинг 48 давлатидан² таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассислар иштирок этди.

Мазкур ҳалқаро конференция юртбошимиз И.А.Каримов ташаббуси билан ташкил этилиб, у узлуксиз таълим ва ёш авлодни баркамол этиб

¹“Фалсафанинг долзарб муаммолари” мавзусида (Академик Мубин Баратов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган) республика илмий-амалий анжуман материаллари. 1-китоб. –Гулистон: Университет, 181 бет.

² Ўша асар, 182 бет.

тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга бағишланди.

Талаба-ёшларни мафкура руҳида тарбиялашнинг қуйидаги йўналишларига эътиборни қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз¹:

- биринчидан, ёшлар, айниқса талаба-ёшларни, энг аввало, миллий ўзлигини англаш руҳида тарбиялашимиз лозим. Айни вақтда миллий ўзликни англаш ўз тарихини билишдан бошланади. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Маънавиятни тиклаш, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга албатта, тарихий хотира керак... Тарихий хотираси бор инсон – иродали инсон”. Тарихчи, археолог, шарқшунос олимларимиз бу борада кўп минг йиллик бой ўтмишимизни тадқиқ этишнинг яхлит дастурини ишлаб чиқиб, қатор тарихий манбалар, китоблар чоп этмоқда, ёшларимизга муҳим тарихий сабоқларни сингдириш учун ҳаракат қилишмоқда. Жамиятимизда тарихий, маданий қадриятларимизни тиклаш мақсадида Муҳаммад Ибн Исмоил Ал-Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Вали, Мирзо Улуғбек, Амир Темур каби буюк шахслар фаолиятига бағишланган тадбирлар ўтказилиши фикримиз исботидир.

- Иккинчидан, Миллий ғурур ва миллий бирдамлик руҳида тарбиялаш – миллий ғурур, миллий ифтихор, орият руҳини ёшлар онгига сингдириш – бу халқимизнинг бой тарихини, маънавий қадриятларини ўрганиб, ватанимиз бой иқтисодий имкониятларини билиш, кадрлаш, тежаб-тергаб сарфлаб келажак авлодга ҳам етказиш, миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, шулардан ғурурланиш, фахрланиш ҳиссини сингдириш ҳисобланади. Миллий бирлик, ҳамкорлик ва ғурур руҳида тарбиялаш миллатчиликнинг турли кўринишларига, жумладан, маҳаллийчилик, мансабпарастлик каби иллатларни енгишга ёрдам беради. Мансабпарастлик, тарафкашлик, гуруҳбозлик, маҳаллийчилик – буларнинг ҳаммаси ижтимоий-иқтисодий,

“Фалсафанинг долзарб муаммолари” мавзусида (Академик Мубин Баратов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган) республика илмий-амалий анжуман материаллари. 1-китоб. –Гулистон: Университет, 207-208 бетлар.

маданий, сиёсий тараққиётимиз, мустақиллигимиз учун хатарлидир. Булар миллий онги, сиёсий маданияти, миллий ғурури заиф бўлган кишиларга хос хусусиятдир. Айниқса, маҳаллийчилик миллий бирлик ва бирдамликка путур етказди, миллий низоларни газак олдириб юборди. Бундан бизнинг ғанимларимиз устомонлик билан фойдаланиши мумкин. Маълумки, миллий ифтихор ва миллий ғурур миллатлараро муносабатларнинг энг муҳим томонларидан бири бўлиб ҳисобланади. Аммо бу муносабатлар баъзан ўйламай қилинган бир хатти-ҳаракат билан иккинчи бир миллат ҳис-туйғуларининг камситилишига олиб келиши мумкин. Миллий манманлик, миллий маҳдудлик, миллий мақтанчоқлик миллатчилик туйғуларига айланиб кетиши мана шу миллий туйғуларнинг камситилиши асосида юзага келади.

Маълумки, ёшларда ҳис-туйғу кучли бўлади, ушбу ҳис-туйғуларни тўғри йўналтиришимиз, авайлаб асраб тарбиялашимиз лозим. Бунда биз миллий туйғуларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ахлоқий омилларга суяниб, умуминсоний манфаатлар асосида ривожлантиришимиз лозим. Ёшлар ўртасида ғоявий-тарбиявий ишларнинг кенг кўламда олиб боришда ижтимоий фанлар ўрни ва роли каттадир, бу фанлар ёшларнинг мустақил фикрлаш, республикаимизлаги сиёсий ҳаётига ўз муносабатларини мустақил билдириш, сиёсий фаоллигининг ошишига катта ёрдам бермоқда.

- Учинчидан, ёшларни мафкура руҳида тарбиялашнинг йўналишларидан бири – етук миллий онг, миллий бирдамлик туйғуси заминида шаклланган ватанпарварликни ҳам ўз ичига олади. Президентимиз И.А.Каримов кадрлар тайёрлаш тизимининг асосий тамойилларидан бири “... ёшлар Ватанига садоқат, юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиши руҳида тарбиялаш” эканлигини таъкидлаган.

Шу нуқтаи назардан биз ёшларни инсон учун дунёда Ватандан азиз ва мўътабар, муқаддас, қутлуғ нарса йўқ эканлиги руҳида тарбиялашимиз лозим. Ватан – бу халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажигидир. Ватанпарварлик эса миллий манфаатларни, миллат тақдирини ва истиқлолини чуқур ўйлаш ва англаш масъулияти билан боғлиқ маънавиятдир. “Бугун Ватаннинг ҳар бир

фарзанди, - деб таъкидлайди И.Каримов – ўзининг ота юртининг ажралмас бўлаги деб хис этаяпти ва бундан фахрланаяпти. Истиқлол берган энг катта бойликлардан биринчиси ана шу десак, асло янглишмаган бўламиз”.

Бу борада бизнинг вазифамиз, Ватанимиз тарихини ёшларга давр сиёсатига мослаштирилган, бир қолипга солинган ҳолда эмас, балки объектив асосда, ота-боболаримизнинг юртимиз мустақиллиги учун олиб борган курашлари, айти шу йўлда уларнинг жон бериб жон олганлари мисолида етказишимиз лозим.

- Тўртинчидан, халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш руҳида тарбиялаш, талаба ёшларни миллий анъаналаримиз, миллий одоб-ахлоқимиз қоидалари, она тилимизни чуқур ўрганишга даъват этиши лозим.

Мустақиллик даври яхши миллий анъаналарга, урф-одатларнинг мезони доирасида туриб иш тутишни талаб этади. Биз айтиқса ёшларни ажойиб миллий урф-одатларимиз, чунончи ўзидан катгани, қарияларни, ота-онани ҳурмат қилиш, уларнинг талабларини мумкин қадар бажариш, чанқаган йўловчига сув бериш, марҳум тобутини кўтариб кузатиб қўйиш, оёқ остида ётган нон бўлаги ва ушоғини олиш, дарахт экиш ва бошқа жуда кўп гўзал, олийжаноб урф-одатлар руҳида тарбиялашимиз, улар онгига сингдиришимиз лозим. Тилимизнинг софлигини, тозаллигини сақлашимиз ва бунга ёшларни чорлашимиз лозим. Чунки халқимизнинг узок ўтмиши, бугунги ҳаётию-эртанги истиқболи мужассамлашган тилимизда миллатнинг миллий-маънавий руҳи, маданий-маърифий қиёфаси бутун мураккаблиги билан намоён бўлади.

-Бешинчидан, талаба ёшлар орасида мафкуравий тарбия йўналишларидан яна бири – инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши, яъни ёшларда ўзлари танлаган касбини чуқур эгаллаш, ижодий фикрлашга, ижтимоий-сиёсий фаолликни, катталар ишини давом эттириш масъулиятини англаш, бошқарув ишларини тушунтиришни тарбиялаш лозим.

Миллатимизга бағрикенглик, сабр бардошлик, қўни-қўшничилик, ўзаро ёрдамлашув, аҳиллик, ахлоқий поклик, иймон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-муҳаббат, кексаларга ҳурмат сингари чинакам инсоний фазилатлар хосдир. Ушбу фазилатларни ёшларга сингдиришимиз лозим. Бу вазифани ҳал этишда оила, мактаб, ўрта-махсус билим ва олий ўқув юртлари томонидан бериладиган таълим-тарбия катта рол ўйнайди. Бу борада давлатимиз томонидан қабул қилинган “Таълим ҳақидаги қонун”нинг муҳим ўрни бор.

II-БОБ. ТАЛАБАЛАР ҒОЯВИЙ САВИЯСИ ВА МАЪНАВИЙ САЛОҲИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

2.1. Талабалар ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини ташкил этиш.

Талаба - ёшлар ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини ташкил этишда технологик ёндашувнинг ўрни ва аҳамияти илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатдан таҳлил этилган.

Таълим амалиётидан маълумки, олий таълимда ҳар бир фаннинг илмий-назарий асосларини чуқур ўрганиш билан бирга, касб тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Аммо ҳозирга қадар олимлар томонидан олий ўқув юртларида талабаларни ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига татбиқ этиш технологиясига оид муайян мулоҳазалар баён этилган бўлса-да, у алоҳида тадқиқот муаммоси сифатида ўрганилмаган. Бу жараённинг яхлит методикаси, тизими ҳалигача ишлаб чиқилган эмас. Шу сабабли бу ҳолатга жиддий эътибор қаратиш зарурлиги долзарб педагогик муаммо сифатида эътироф этилмоқда.

Ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини технологик ёндашув асосида ташкил этиш муҳим жараён бўлса-да, ҳар қандай илмий тадқиқот иши тадқиқ қилинган илмий ҳодисани аниқ тасвирлашга ҳаракат қилади. Илмий тадқиқот натижалари мантиқий фикрлаш ва мушоҳада юритиш орқали изчил баён этилади.

Ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятида фикр ифодалаш усули ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Уни бадиий асар билан қиёсласак, ўртадаги фарк янада яққолроқ намоён бўлади. Илмий асар объектив ҳақиқатни мантиқий тафаккур маҳсули бўлган фикрлар тизими орқали акс эттиради. Шунинг учун илмий асар бошидан охиригача асосан мулоҳаза юритиш, муносабат билдириш ва исботлашдан иборат бўлади.

Ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятида аниқлик, объективлик, мантиқийлик, изчиллик, ўзига хослик, қисқалик каби меъёрлар ўз ифодасини топиши керак.

Аниқлик – ҳодисани, предмет маъносини аниқлашчи сўзларнинг номинатив маънода қўлланилиши, моносемантик характерга эга бўлиши, синонимиянинг бир қадар чегараланиши, атамаларнинг илмий нутққа мос қўлланишида кўринади. Аниқ фикрсиз илмий билимнинг бўлиши мумкин эмас.

Объективлик - нарса ва ҳодисаларнинг мавжудлиги, уларнинг фан тушунчалари асосида изоҳланиши, фикрнинг мисоллар, далилий материаллар, теорема ва формулалар билан исбот қилиниши, бунга бошқаларнинг тўлиқ ишонч ҳосил қилишида кўринади.

Мантиқий изчиллик - абстракт отлар ва атамаларнинг кўп қўлланиши, фикрнинг бир-бирига мантиқий боғланиши, изчил баён этилиши, илмий нутқда изчилликни юзага келтирувчи махсус ўзига хос сўз ва бирикмаларнинг мавжудлигида акс этади.

Ихчамлик - илмий нутққа хос белгидир. Илмий баён ортиқча тасвир ва изоҳни талаб этмайди. Шу сабабли илмий баёнда нарса ва ҳодисалар баёни учун узундан-узоқ ўхшатиш, сифатлаш каби тасвирий воситалар қатнашмайди. Шунинг учун илмий баён доимо ихчамликни талаб этади.

Талабаларнинг илмий тадқиқот ва илмий-ижодий ишлари натижалари ҳисобот, реферат, мақола, ихтиро, тавсиянома ва битирув малакавий иш кўринишларида яқунланади. Шу сингари ишлар бўлажак мутахассисларнинг тадқиқотчилик ва ижодкорлик қобилиятларини шакллантириб, ривожлантирибгина қолмасдан, балки улар ўзлаштирган билимларнинг янада чуқур ва мустаҳкам бўлишига олиб келади ҳамда касбий-амалий кўникмаларини такомиллаштиради.

Талабалар илмий тадқиқотчилик фаолиятининг муҳим жиҳати шундаки, бу жараёнда у мустақил илмий, ижодий ишлашга ўрганади. Ўқув машғулотларидан ташқари вақтларда талабаларни ғоявий савияси ва

маънавий салоҳиятига жалб этишнинг асосий воситаси - талабалар илмий уюшмаларидир. Талабалар илмий уюшмалари ижодкор талабалар жамоасидан ташкил топади. Улар ўқув режасига киритилган мутахассисликка оид кафедранинг бош илмий муаммоси асосида олиб борилаётган илмий ишларга мос бир ёки бир нечта илмий муаммо билан шуғулланишади. Бу жараёнда талабалар адабиётлар бўйича аннотация ва рефератлар тузишни ўрганадилар, тажрибалар ўтказиш, олинган натижаларни амалиётга мақсадли татбиқ этиш кўникмаларини эгаллайдилар, лаборатория жиҳозлари, ўқув-техник воситаларни лойиҳалайдилар ва тайёрлайдилар. Ахборотлар тайёрлаб, кафедра илмий семинарлари ва тўғарак йиғилишларида чиқишлар қиладилар. Талабалар илмий тадқиқот фаолиятининг кенг қамровли ташкил этилиши натижасида улар чуқур касбий тайёргарликка эришиш, мутахассис сифатида ижодий камол топишга йўналтирилади. Талабалар илмий тадқиқот ишини биринчи курсдан бошлашлари ва кейинги курсларда тадқиқот ишининг хусусиятига мос ҳолда илмий фаолиятларини такомиллаштириб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Талабаларнинг олиб борадиган ғоявий савияси ва маънавий салоҳияти олдига қуйидаги талаблар қўйилади:

-бўлажак мутахассисларнинг илмий эрудицияси ва назарий дунёқарашини кенгайтириш, ғоявий савияси ва маънавий салоҳияти олиб бориш кўникмаларини шакллантириш;

- назарий билимларни амалиётда қўллаш қобилиятини ривожлантириш;

-талабаларда ижодий фикрлашни ривожлантириш ва илмий мунозаралар олиб бориш кўникмаларини шакллантириш, илмий-техник масалаларни ечишга ундаш;

-юксак ишбилармонлик ва маънавий-ахлоқий сифатларни ривожлантириш, ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантиришга кўмаклашиш.

Ўқув жараёнидан ташқари талабаларни илмий тадқиқот ишига жалб этишнинг 2 хил шакли мавжуд: фан илмий тўғараги ва мутахассислик бўйича илмий тадқиқот тўғараги.

Шундай қилиб, фан ва таълимнинг мақсадлари умумий бўлиб, муаммоларнинг ягона ечимини топишга қаратилгандир. Илмий тадқиқотлар олий таълимни кенг доирада ривожлантириш, замонавий шароитда фан ва илмий хизмат кўрсатишнинг ривожланиш самарадорлигини ошириш ҳамда таълим-тарбия ва тадқиқот жараёнлари охириги натижаларининг такомиллашувига йўналтирилиши керак.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида таълим жараёнига ахборот технологияларининг кириб келиши фанларни замонавий технологиялар асосида ўқитиш тизимининг шаклланишига асос бўлди. Бу тизим нафақат олий, балки бутун узлуксиз таълим тизимида ноанъанавий усулларни қўллаш имкониятини юзага келтирди.

Таълимда замон ва ривожланиш талаблари асосида янгича ёндашувлар усулларини излаш билан боғлиқ ҳолда, олий ўқув юртлари фаолиятида илм орқали билим бериш усули устувор бўлмоқда. Бу усулнинг амалдаги намунаси сифатида Гулистон давлат университети базасида мавжуд ўқув лаборатория ва ўқув дала амалиётлари базаси билан бир қаторда кафедралар қошида илмий тадқиқотларга асосланган ҳолда ташкил этилган “Экспериментал биология” лабораторияси, “Илмий-амалий музей”, “Илмий адабиётлар кутубхонаси”, “Селекцион тажрибалар экспериментал майдонлари”, “Минтақавий тадқиқот маркази”, “Педагогик инновация маркази”, “Шўрга чидамли ўсимликлар уруғларининг генбанки”, “Ёш олимлар” мактаблари, “Кичик мактаб”лар, “Миллий ғоя ва мафкура” илмий амалий маркази “ГулДУ таянч маскани” кабиларнинг ташкил этилганлигини мисол қилиб келтириш мумкин. Шу каби марказларнинг ташкил этилиши талаба-ёшларнинг илмий изланишларини йўлга қўйиш, қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришнинг маъмурий-ташкилий томонларига асос бўлади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, олий ўқув юртларида талабаларни ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига йўналтириш мақсадли, технологик жараён сифатида амалга оширилиши лозим.

Маълумки, инсоният тараққиёти илмий ижодкорликка, ижодкор инсонларнинг касбий фаолиятига асосланади. Вақт ўтиши билан ҳар қандай техника, технология, илмий далиллар, ғоялар, кашфиётлар эскириб бораверади.

Бугунги дунёдаги ривожланган давлатларда ёшларга доир сиёсат муайян йўналиш сифатида XX асрнинг 60-70-йилларида шаклланди. Чунки, бу даврга келиб, ёшлар жамият тараққиётини белгилайдиган, уни амалга оширадиган етакчи кучга айлана бошлади. Уларнинг интеллектуал қобилиятлари, касбий малакаси, маънан ва руҳан баркамоллиги каби ижтимоий сифатлари бутун инсониятнинг ривожланиш даражасига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

1985 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Самарали ёшлар сиёсатини шакллантиришнинг асосий қоидалари тўғрисида”¹ резолюция қабул қилинганидан сўнг бу масала бутун жаҳонда янада долзарб аҳамият касб этди. Ана шу асосда ҳар бир мамлакатда ўзига хос, давлат қурилиши ва бошқарув тизимига мос равишда ёшлар сиёсатини юритишнинг турли механизмлари ва тизимлари қарор топа бошлади.

Бундай тенденциялар ёшларнинг алоҳида ижтимоий демографик қатлам сифатида сиёсатнинг фаол субъектига айланиб бораётганини кўрсатади. Шу муносабат билан ҳозирги даврда бутун дунёда ўсиб келаётган авлоднинг муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва шу асосда уларнинг ечимини топиш эҳтиёжи тобора ортиб бормоқда.

¹ Темирова Н., Мамадалиев Н. Баркамол авлод тарбиясида қадриятлар омили. “Фалсафанинг долзарб муаммолари” мавзусида (Академик Мубин Баратов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган) республика илмий-амалий анжуман материаллари. 2-китоб. –Гулистон: Университет, 132 бет.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда мустақилликка эришгандан кейин амалга оширилаётган туб ўзгаришлардан кўзланаётган мақсад эл-юртимизнинг эртанги куни, равнақи ва тараққиёти, Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузини белгилаб берадиган том маънодаги ислохотларни амалга оширишдан иборат эканлиги маълум. Бу борада ёшларни сиёсий-ижтимоий жараёнларга янада кенгроқ жалб қилиш, уларнинг ислохотлардаги фаол иштирокини таъминлаш орқали демократик янгиланиш жараёнларининг иштирокчиси сифатидаги ролини ошириш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундай улуғвор вазифаларни бажариш улкан масъулиятни талаб қилиши шубҳасиз. Бу эса юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг Ватанимиз ва халқимиз олдидаги бурчи ва масулиятини сезиши, бу йўлда фидоий ва омилкор бўлиши билан боғлиқдир. Шу маънода Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг «Мана шу муқаддас тупроқ – меники, бу ерда ота-боболаримнинг хоки поклари ётибди. Агар шу мусаффо осмон, мана шу ёруғ ҳаёт учун, она-Ватаним учун мен курашмасам, мен жонимни фидо қилмасам, ким курашади»¹, -деган пурмаъно ҳикмати баркамол авлодни тарбиялашда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Баркамол авлод маънавиятини шакллантириш муаммоларини ижтимоий-фалсафий тадқиқ этишнинг долзарблиги қуйидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, жамиятимизнинг келгуси тараққиёти, Ватанимиз истиқлолининг тақдири, халқимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшадиган ҳиссаси бугун ўқув юртларида таълим олаётган баркамол авлоднинг маънавиятига, эгаллаган касб-кори, интеллектуал билими ва келажак учун масъулиятни ўз зиммасига олишига боғлиқ. Чунки ўқув юртларида таълим олаётган баркамол авлод эртага у ёки бу соҳани, жамият ва давлат ишларини бошқаради, мустақиллик йилларида яратилган бойликларни, маънавий қадриятларни келгуси авлодларга етказиши. Шунинг учун олий ўқув

¹ Каримов И.А. Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажакимизнинг гаровидир. –Т.: Ўзбекистон, 2012. -11 б.

юртларида таълим билан тарбияни бевосита уйғун ҳолда олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, баркамол авлод ўзининг ҳаёти ва мақсади, ўтмишга ва келажакка муносабати, маданий бойликлар ва меросни ўзлаштириши, ижтимоий тараққиёт қонунларини идрок этиши, ички маънавий-руҳий дунёси билан ёшларнинг бошқа гуруҳларидан фарқ қилади. Уларда ижтимоий фаолликка, эл-юрт манфаатларига хизмат қилишга интилиш, билимга, маърифатга, тараққий этган халқлар маданиятига қизиқиш юқори бўлади. Аммо ушбу интилиш ва қизиқиш айрим баркамол авлодда ижобий, конструктив даражага кўтарилмай қолмоқда. Шу боис талабаларда мустақил фаолиятнинг турли самарали усулларини яратиш лозим.

Учинчидан, жамият ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар, мамлакатимизга нисбатан кучаётган информацион хуружлар баркамол авлоддан ўқиши, ўз касби, ён-атрофга ўта масъулият билан ёндашишни, ҳаётий мақсадини тўғри танлашни талаб этмоқда. Зеро, касб-кор маҳорати қанчалик муҳим бўлса, бўлғуси малакали мутахассис, юксак инсоний фазилатлар ва маънавият ҳам шунчалик зарурдир. Маънавияти юксак мутахассисгина хушёр ва огоҳ бўлиши, кишиларни эзгу ғоялар асосида ўз атрофига бирлаштириши, уларни давр талаблари кун тартибига кўяётган вазифаларни бажаришга йўналтириши мумкин. Мадомики шундай экан, бугунги кунда баркамол инсон тарбияси алоҳида эътибор талаб қилади.

Тўртинчидан, кейинги йилларда нашр қилинган илмий адабиётларда маънавиятнинг умумий назарий ва ижтимоий-педагогик муаммолари муҳокама қилинмоқда. Шу боис ёшлар маданиятининг ижтимоий-фалсафий таҳлили масаласи янада долзарб аҳамиятга эга.

Бешинчидан, маънавият тизимида миллий ва умуминсоний қадриятлар муҳим ўрин эгаллайди. Уларнинг ички хусусиятлари, ўзаро диалектик алоқадорлигини чуқур англамаслик, идрок этмаслик кишилар маънавий-руҳий оламини жўн тушунишга, унинг ранг-баранглигини сийқалаштиришга, ижтимоий-педагогик имкониятлардан самарали фойдаланмасликка олиб

келади. Айрим ёшларда учраётган бефарқлик, ижтимоий бурчни англамаслик, кексалар панд-насихатини менсимаслик, нигилизм, фақат кайф-сафо қилиб яшашга интилиш каби салбий иллатлар ана шу ёндашувлар натижасидир. Демак, бугунги кунда мамлакатимизда нафақат иқтисодий, балки маънавий-маърифий ислохотларнинг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жамиятимизнинг бугунги кундаги тараққиётини фалсафий ўрганиш, хусусан баркамол авлод тарбиясида қадриятлар омили билан боғлиқ масалаларни англашда Президентимиз Ислоом Каримов асарлари мустаҳкам назарий асос ва методологик манба бўлиб хизмат қилаётгани шубҳасиз. Ушбу асарларда ана шу тадрижий жараённинг мазмун-моҳияти, халқимизнинг юксак маънавиятли ёш авлодни шакллантириш йўлида улкан ютуқ ва натижаларга эришаётгани, ёшларнинг онги ва тафаккури ўзгариб бораётгани, жумладан, маънавият, фан ва таълим-тарбия соҳаларидаги ислохотларнинг мақсад-муддаолари аниқ кўрсатиб берилган. Баркамол авлод онги ва тафаккурини тубдан ўзгартириш, янги дунёқарашни шакллантириш, миллий кадрлар тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг таркибий қисми бўлиб қолаверади.

Узлуксиз таълим тизими дунё андозалари талаби даражасига етади. Ана шундай шароитда талаба репродуктив фикрлашга ундовчи таълимий вазибалар ўрнига маҳсулдор ижодий изланишга йўлловчи таълим-тарбиявий муаммоларни ечишга қодир бўлади.

2.2. Талабалар ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини ташкил этиш технологиялари.

Талабаларни ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига тайёрлаш ва илмий салоҳиятли кадр сифатида етиштириш жараёни шартли равишда қуйидаги 4 босқичдан иборат бўлиши мумкин:

1-босқич. Талабалар I курс давомида мутахассислар назоратида бўладилар. Ўқув йили охирида иқтидорли, билимли ва ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига лаёқати бор талабалар кафедра олимлари томонидан танланиб, тадқиқот ишлари олиб боришга тавсия этилади.

2-босқич. Танланган талабалар кафедранинг етакчи мутахассисларига бириктирилади ва муайян мавзу асосида 2-4- курсда уч ўқув йили давомида ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини олиб борадилар.

3-босқич. Бакалаврият таълим даврида бошланган илмий тадқиқот мавзуси магистратура таълими даврида давом эттирилиб, тадқиқот ишлари маълум даражада чуқурлаштирилади. Тадқиқот натижалари илмий конференцияларда, семинарларда, илмий баҳс ва мунозараларда муҳокамадан ўтказилади. Бу даврда диссертацион ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятининг умумий ҳажмидан 80% қисми бажарилган бўлиши лозим. Мазкур ҳажмда бажарилган диссертацион тадқиқот ишларининг натижалари магистрлик Битирув малакавийси сифатида ҳимояга олиб чиқиш учун етарли бўлади.

4-босқич. Аспирантура таълими даврида мавзу бўйича диссертацион тадқиқот ишлари якуний босқичга киради. Бу даврда тадқиқот ишларининг қолган 20% қисми якунланиб, номзодлик Битирув малакавийси сифатида ҳимоя қилинади.

Тавсия этилаётган тизим диссертацион ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини сифатли якунлаш имконини беради. Чунки танланган маълум бир мавзудаги диссертацион илмий тадқиқот ишини бажариш даври етарли даражада узоқ муддатни қамраб олади, яъни бакалаврият таълими даврида 3

йил (2-4-курс), магистратура таълими даврида 2-3 йил ва аспирантурада 3 йил, жами 8-9 йил давом этади. Муваффақиятли олиб борилган ишлар доктарантура таълимнинг 2 курсида ҳам яқунланиши мумкин.

Маълумки, олий ўқув юртларида педагогик фаолият юритувчи ўқитувчи илмий тадқиқотчилик фаолиятини ҳам бажаришга интилади. Бу талабни бажариш зарурияти ҳозирги даврда янада қатъийлаштирилди, чунки давлатимизнинг мустақилликка эришиши ва бозор муносабатларига ўтиши билан бу жараён мутлақо янгича тус олди. Олий ўқув юртларининг ўқитувчисидан илмий даража билан бирга мунтазам равишда ўз устида ижодий ишлаш ҳам талаб қилинмоқда.

Ҳар бир талабанинг илмий тадқиқот ишига тегишли кафедранинг етарли илмий иш тажрибасига эга бўлган профессор-ўқитувчилари раҳбарлик қилишлари табиий ҳол, албатта. Илмий раҳбарлар тадқиқотчи талабалар билан олиб борилаётган илмий изланишлар ва тадқиқот натижаларини, тадқиқот ишига киритилган ўзгартиришлар, тузатишлар, янгиликларни мунтазам равишда қайд қилиб боришлари лозим. Шунинг учун илмий тадқиқот иши раҳбарлари оралик ва жорий натижалар бўйича ахборот бериб борадилар. Тақдим этилган маълумотлар мутахассислар иштирокида таҳлил қилиниб, муҳокамадан ўтказиб борилади. Таҳлил ва муҳокамада асосан қуйидагиларга эътибор бериш лозим: мавзу номи, мавзу раҳбари, мавзунинг мақсади, мавзунинг мазмун-моҳияти, мавзу бўйича жорий этилаётган фаол таълим усуллари, яъни инновацион таълим, қўлланилаётган инновацион таълимнинг мақсади ва унинг инновациавий хусусияти ҳамда қўлланилишидан ҳосил бўладиган натижа, мавзу бўйича тадқиқотни бошқариш ва давом эттиришга, янги ахборот технологияларидан фойдаланишга тавсиялар, қўлга киритилган натижани тадқиқот мақсади нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ҳамда тадқиқотнинг кейинги босқичига ўтиш тўғрисида йўриқнома ва кўрсатмалар бериш.

Юқорида қайд этилган ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини режалаштириш ва унинг кўрсаткичлари ҳамда илмий тадқиқотни бошқариш

кетма-кетлигини эътиборга олиб, олий ўқув юртларида олиб борилаётган ғоявий савияси ва маънавий салоҳияти қуйидаги тартибда мувофиқлаштирилиши лозим, деган хулосага келдик: реферат ёзиш, аннотация тайёрлаш, маъруза тезиси ва илмий мақола ёзиш, илмий, услубий тавсиянома, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлаш, ихтиро қилиш, кашфиёт қилиш, муаллифлик гувоҳномаси олиш, битирув - малакавий иш ёки магистрлик Битирув малакавийси тайёрлаш, патент олиш.

Кўриниб турибдики, олий ўқув юртлари талабаларининг илмий тадқиқотчилик фаолияти серкиррадир. Шу сабабли ҳам ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини мувофиқлаштириш ва иқтидорли, илмий салоҳиятга эга бўлган талабаларни излаб топиш ҳамда уларнинг илмий салоҳиятини ривожлантириш мамлакатимиз илм-фанининг тараққиётини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мақсад: Таълим тизимини ривожлантириш, талаба-ёшларнинг илмий-ижодий фаолиятини самарали ташкил этиш асосида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш.

Тадқиқотчилик фаолиятини амалга оширишнинг асосий қоидалари

Ташкилий-Тадқиқот муаммосини аниқлаш, илмий асослаш, мавзуни тасдиқлаш учун илмий кенгашга тавсия этиш.

Иқтисодий-Давлат ва жамият тараққиёти учун зарур муаммо ечимига қаратилганлиги.

Ижтимоий-педагогик- Жамият талабига мос рақобатбардош кадрлар тайёрлаш.

Вазифалар:

Иқтидорли ёшларни танлаш

Талаба-ёшларда илмий-ижодий ишларни ташкил этишга оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.

Талаба-ёшларни маълум бир илмий мавзу юзасидан илмий тадқиқот ишларига жалб этиш.

Тадқиқот натижаларининг давлат ва жамият тараққиёти учун зарурлигини англаши асосида талаба-ёшларда илмий дунёқараш ва тадқиқотчилик маданиятини шакллантириш.

Талаба-ёшларни олий таълимдан кейинги таълим босқичида амалга ошириладиган илмий-тадқиқот ишларига йўналтириш.

Тадқиқотчилик фаолиятини амалга ошириш мазмуни

Соҳага оид долзарб муаммони танлаш.

Тадқиқот мавзусини илмий асослаш.

Тадқиқот жараёнининг мавжуд ҳолатини ўрганиб чиқиш.

Муаммонинг ечимига қаратилган махсус методикани тадқиқот жараёнига татбиқ этиш.

Тадқиқот ишлари юзасидан олинган натижаларнинг самарадорлик даражасини тажриба-синов ишлари асосида аниқлаш.

Тадқиқот юзасидан тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Республикамиз олий таълим тизимида таълим-тарбия самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан талаба-ёшларни ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига мақсадли йўналтиришга боғлиқдир. Бу талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини муайян тизим асосида ташкил этиш талабини кўяди.

Ғоявий савияси ва маънавий салоҳияти инсон ақлий фаолиятининг маълум мақсадга йўналтирилган ижодий ҳаракатлари мажмуидан иборат. Бу фаолиятдан кўзланган мақсад ҳодиса ёки жараён тўғрисида янги илмий билимларни ўрганиш ва кашф этиш, уни такомиллаштириш ҳамда уларни ижтимоий ҳаётга татбиқ этишдан иборатдир.

Бугунги кунда жамиятнинг ҳар бир фуқароси фан ва техника ютуқларининг тобора ривожланиб бориши таъсири остида яшамокда. Бу яна шуниси билан ҳам аҳамиятлики, техника ва технологиялар кун сайин такомиллашиб, ривожланиб бормокда ва натижада шунга мос етук мутахассислар тайёрлаш зарурати ҳам туғилмокда.

Ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятининг илмий-назарий ечимларидан бошлаб, олинган натижаларни амалиётда қўллашгача бўлган барча босқичлар “Талаба-ёшларнинг ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини ташкил этиш модели” асосида самарали амалга оширилишига эришилса, тадқиқот иши муваффақиятли бажарилган бўлади.

Демак, ушбу жамиятга муносиб ва уни фаол ривожлантиришда иштирок этувчи шахс мутахассис сифатида илмий изланиш олиб бориши, олинган ахборотларни тизимларга ажратиши, муаммога хос фикр ва техникавий ечимларнинг мақбул вариантларини танлаш усулларини билиши зарур.

Ақлий фаолият бевосита илмий-ижодий фаолият билан боғлиқ бўлиб, у инсоннинг янги моддий ва маънавий неъматлар яратиш фаолиятидир.

Ўз навбатида, тадқиқот ва иждодий мулоҳазалар ҳам замонавий мутахассисдан илм-фан ютуқларидан фойдаланиш орқали истиқболли вазифаларнинг оптимал ечимини танлай билиш ва амалий фаолиятида тажриба–синов ишларини ўтказишни талаб қилади.

Зеро, жамият тараққиётида илм-фаннинг ривожини ва уни такомиллаштиришга бўлган интилиш, изланишлар ҳар бир жамиятнинг илмий-ижодий тараққиёти ва маданиятининг юксак кўрсаткичларидан бири бўлиб ҳисобланган.

3.1. Талабаларнинг илмий тадқиқотчилик фаолияти.

Талаба - ёшларнинг фаолияти ва касб сифатлари билан боғлиқ жиҳатлар бир қатор олимларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топганлиги тадқиқ этилган. Ёшлар эгаллаши мумкин бўлган касб сифатлари, бу жараённинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида турли қарашлар мавжуд.

Талабанинг илмий-амалий салоҳияти шунда кўринадики, у ўқувчилар гуруҳига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, уларга ўқув топшириқларини тақдим этиш технологиясини пухта ўзлаштириши лозим. Замонавий таълимнинг ўзига хос жиҳатларидан бири ҳам ҳар бир талабани мустақил илмий фикрлашга одатлантиришдир. Талаба-ёшларнинг ўзига хос жиҳатларини билмасдан, уларнинг нималарга қодирлигини сезмасдан муваффақиятга эришиб бўлмайди. Ҳар қандай метод самарадорлиги талабалар гуруҳини пухта билишга боғлиқ. Шунинг учун ҳам замонавий ўқитувчида муҳим касб сифатларини шакллантириш таълим самарадорлигини таъминловчи омил вазифасини ўтайди.

Талаба-ёшлар эгаллаши зарур бўлган қатор касбий сифатлар борки, улар келгусида ёшларнинг ўқитувчилик фаолиятида ўз ифодасини топмаса, машғулот жараёнида намоён бўлмаса, дарслар айрим жиҳатлари билан самарасиз бўлиб қолаверади. Ўқитувчи олдида турган касбий-педагогик талаблар қуйидаги касб сифатларини эгаллашни тақозо этади:

Илмий-ижодкорлик. Ўқитувчи илмий ҳақиқатлар, янгиликларга асосланиб иш кўрадиган мутахассис. Олий мактаб ёш ўқитувчини иждоқорликка, яратувчиликка, оламга фақат соғлом истиқболли нигоҳ билан қарай олишга ўргатиши керак.

Ўқитувчининг иждоқорлиги ўқувчининг иждодий фикрлаш қобилиятини ўстириш, бадиий ва эстетик дидини таркиб топтириш, соғлом илмий

дунёқарашини шакллантириш, оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришда муҳим аҳамият касб этади. Машғулотларни ташкил қилишда ўзига хослик, бошқаларга ўхшамаслик, методик кашфиёт қилиш ҳар бир ўқитувчининг табиий эҳтиёжига айлангандагина дарсларнинг самарадорлиги юқори бўлади.

Ташкилотчилик. Ўқитувчи ташкилотчилик сифатига ҳам эга бўлиши керакки, бусиз у ўз атрофида жипслашган ўқувчилар жамоасини дўстона мустаҳкам жамоа этиб шакллантира олмайди. Ҳар хил характердаги ёшларни бир жойга жамлаб, тартиб ва интизомга таянадиган талабалар жамоасига айлантириш, уларда илмий тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш, шахслик сифатларини қарор топтириш олий ўқув юрти ўқитувчисидан сермашаққат, заҳматли меҳнат талаб қилади.

Талаба шахсий фикр-мулоҳазаларини жамоа билан баҳам кўришга интилиши, бошқалар фикрини эшитишга одатланиши, ўз мулоҳазаларини асосли ифодалашга ўрганиши илмий тадқиқот самарадорлигини кескин оширади. Агар талаба жамоадан қочса, ёлғизликка одатланса, дўстларидан узоқлашса, дарсда ва турли тадбирларда фаол қатнашмаса, гуруҳда бор-йўқлиги сезилмаса, бу ўқитувчида ижтимоий-ташкilotчилик фаолиятининг етарлича ривожланмаганлигидан далолатдир.

Гуруҳдаги талабалар дўстона жамоага бирлашган жойда дарслар қизиқарли, мазмунли ташкил қилинади. Талабаларни ўзига жалб эта олмаган, ўзининг фазилатлари, маҳорати, билимдонлиги билан уларга намуна бўла олмайдиган ўқитувчи ташкилотчилик қила олмайди ва талабаларни илмий фаолиятга йўналтира олмайди. Чунки бундай ўқитувчиларга талабалар эргашмайдилар ва унга ҳавас қилмайдилар. Устоз талабалардан вақтини, билиминини аямайдиган, уларга интилган, тенгдош-дўстига айлангандагина талабалар жамоасини бирлаштира олиши мумкин.

Педагог маҳоратининг муҳим кўрсаткичларидан бири ўқувчилар қалбига кириб бориш ва улар ўртасида мустаҳкам дўстлик алоқасини ўрнатиб, жамоа яратишдан иборатдир.

Илмий тадқиқотчилик. Талабаларнинг бу интеллектуал жиҳати машғулотларга тайёрланиш ва илмий изланишлари жараёнида намоён бўлади. Илмий тадқиқотчилик талабанинг пухта ва аниқ илмий қарашларга эгаллиги, фикрий мустақиллигини таъминлаш билан бирга, ўзига хос таълим-тарбиявий имкониятларга ҳам эга.

Олий мактабни битирган аксарият ёш педагог-мутахассисларда учрайдиган бир хил хусусият шундан иборатки, уларда илмий, ижодий, тадқиқотчилик фаолияти сезилмайди. Ҳолбуки, дарсларнинг самарадорлиги ўқитувчининг изланувчанлиги, тадқиқотчилиги, илмий, ижодий фаолиятининг доимийлиги ва узлуксизлиги билан боғлиқ.

Назариянинг амалиёт билан боғлиқлигига эътибор қаратиш. Ўқитувчининг педагогик фаолияти тадқиқотчилик фаолиятига бирмунча яқин. Чунки ўқитувчи илмий изланишлар жараёнида олган назарий ва амалий билимларини амалда қўллашга ҳаракат қилади. Ўқитувчидан янги билимларини ўқувчилар онгига етказиш учун педагогик амалиётчилик хусусияти талаб этилади.

Ўқитувчи ўзининг бор иқтидори, билими ва маҳоратини амалиётда намоён қилади. Амалиёт давомида унинг касбий маҳорати сайқал топади. Ўқитувчи дарснинг янги шакллари, ноанъанавий усулларини тажрибада синаб кўрувчи вазифасини бажаради. Ўз амалиётида бугуннинг талабларига жавоб бера оладиган усуллардан фойдаланади. Муваффақият қозонган, ўқувчилар фаоллигини оширадиган, ижодий фикрлашга ўргатадиган, тарбиявий таъсир даражаси юқори бўлган шакллардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Ўқитувчи машғулот учун зарур ахборот, маълумот ва ашёларни тўплайди ҳамда уларни қандай қилиб қайси шаклда ўқувчиларга етказиш йўллари олдидан белгилаб олади.

Педагогик амалиётчилик ўқув материални танлаш ва яхлит тизимга келтириш, тадқиқот давомида ўқувчи ва ўзининг фаолияти йўналишини белгилаш, машғулот учун нималардан фойдаланиш, хулосаларда қандай матнларни келтириш ёки таҳлиллаш кераклигини ҳам белгилаб беради.

Демак, ўқитувчининг педагогик амалиётчилиги доимо ривожланиб, ўзгариб боровчи ходисадир.

Хулоса шуки, олий мактаб таълим тизими талабаларда ташкилотчилик, амалиётчилик, тадқиқотчилик, ижодкорлик каби барча зарур касб сифатларини керакли даражада шакллантиришни таъминлаши лозим. Олий мактабни битирган ёш мутахассис муайян илмий дунёқарашга эга бўлса-да, уни амалиётга татбиқ этиш масаласида анча ночор. Чунки талабаларни методик жиҳатдан тайёрлаш талаб даражасида эмас.

3.2. Талабаларнинг илмий тадқиқотчилик фаолиятларини ташкил этиш.

Педагогика ва психология фанида талабаларни илмий тадқиқотчиликка йўналтиришнинг ўзига хос хусусиятлари белгилаб берилмаган. Ҳолбуки, талаба илмий тадқиқотчилик қонуниятларини чуқур ўзлаштириши зарур. Негаки, жамият аъзоларининг маънавий камолоти уларнинг илмий дунёқарашлари даражасига боғлиқ.

Ҳозирда олий ўқув юртларида танланган ихтисосликка оид билимлар қуйидагича тақсимланган:

1. Асосий билимлар - 65 фоиз.
2. Умуммаданий билимлар - 26 фоиз.
3. Педагогик - психологик билимлар - 9 фоиз.

Ўтказилган сўровлар натижасида олий мактабни битирган ёш ўқитувчиларнинг 22 фоизиди ўз меҳнат фаолиятини бошқа соҳаларда давом эттириш истаги борлиги аниқланди. Изланишлар давомида олий мактабда шакллантирилиши лозим бўлган маънавий сифатлар: сабр-тоқатлилик, босиқлик, адолатлилик, талабчанлик, фаоллик, ўзини тута билиш, фаросатлилик, юмшоқ кўнгиллилик, раҳмдиллик, сўз ва иш бирлиги, кечиримлилик, келажакка ишонч, ҳалоллик, ҳаққонийлик, қатъийлик, ҳазил - мутойиба туйғусига эғалик, мулойимлик, ширинсуханлик, миллатпарварлик, ватанпарварлик каби фазилатлар ёш ўқитувчиларда етарлича қарор топмаганлиги кузатилди.

Мактабларда олиб борилган кузатишлар ва ўқитувчиларнинг фаолиятини ўрганиш давомида шу нарса маълум бўлдики, олий мактабда юқорида саналган маънавий сифатларни шакллантириш устида ҳам изчил, тизимли иш олиб бориш зарур. Ижобий сифатларга эга бўлган устозларнинг машғулоти анча самарадор эканлиги кузатилди.

Олий ўқув юрти талаба шахсидаги маънавий сифатларни қуртак ҳолидан мақсадга мувофиқ тарзда ўстириши мумкин. Чунки тарбиянинг ўзи

билан нуқсонли шахсни баркамоллик даражасига етказиб бўлмайди. Ҳар қандай касбга одатлантириш талабанинг имконияти даражасида бўлиши мумкин. Талабанинг рухий, жисмоний, маънавий имкониятларини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда иш кўрилсагина, кўзда тутилган мақсадга эришиш мумкин. Маънавий таъсир манбаи бўла олмайдиган ўқитувчи-мураббий етук шахсни шакллантира олмайди.

Психологларнинг фикрича, олий мактаб ўқитувчиси ва талаба ўртасида яқин муносабат деярли йўқ. Машғулоти олиб борадиган устозлар ҳар бир талаба ҳақида етарлича маълумотларга эга эмаслиги, улар орасидаги муносабатлар фақат мажбурият юзасидан эканлиги талаба-талабани мавжуд жисмоний-маънавий имкониятлар даражасида тайёрлашга йўл бермайди.

Талабанинг маънавий сифатлари қуйидаги тadbир ва воситалар асосида таркиб топтирилиши, сайқаллаштирилиши мумкин:

- шахсий ибрат, намуна бўлиш;
- талабалар жамоасининг маълум тadbқот муаммоларини илмий мактабда мақсадли тadbқот этиш учун уюшган фаолиятини ташкил этиш;
- машғулотларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш;
- илмий тadbқот натижаларини амалиётга тadbқот этиш;
- илмий конференциялар уюштириш ва талабаларнинг кенг, фаол иштирокини таъминлаш;
- талабаларнинг маданий-маърифий марказларини ташкил этиш.
- таниқли инсонлар иштирокида ижодий кечалар ва турли мавзулардаги суҳбатлар ўтказишни йўлга қўйиш;
- талаба-ёшларнинг илмий-ижодий меҳнатларини рағбатлантириб бориш;
- маънавий-ахлоқий сифатларни аниқлаш мезонлари асосида синовлар, сўровномалар, анкеталар, аттестациялар уюштириш;
- ҳар ўқув йили якунида талабаларнинг маънавий-ахлоқий сифатлари ҳамда илмий тadbқотчилик кўникмалари даражасини аниқлаш.

-мазкур жараённинг самарадорлилик даражасини ошириш йўлларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш.

Олий ўқув юртларида ташкил этилган “Ёш олимлар” мактаблари ўз таркибига узлуксиз таълим тизими бўйича мактаб ўқувчилари, академик лицей ва университет талабаларини бириктирган. Бундай мактабнинг тўғараклардан афзаллиги шундаки, унда машғулотлар ноанъанавий тарзда: баҳс-мунозара, дидактик ва ролли ўйинлар ҳамда ноанъанавий тарбия дарслари кўринишида амалга оширилади. Бу ерда ўқувчи ва талабага ўзаро муносабатга кириша олиш ҳамда уларда илмий-ижодий қобилиятларини намоён эта олишлари учун тўлиқ шарт-шароит ва эркинлик яратиб берилган. Талаба-ўқитувчи муносабатларига хос қобилият ўқувчи ва талабанинг изланувчанлиги, билимдонлиги, педагогик муаммони мустақил, лозим бўлганда илмий асосланган ҳолда жамоа билан ечимини топиши, топқирлиги ҳамда ҳозиржавоблигида яққол намоён бўлади. Бунда ҳаяжонланмай, иккиланмай ва шошилмай фикрини эркин айта олишга асосий эътибор қаратилиши керак. Ўқитувчи ва талабанинг ўзаро муносабатга кириша олиш қобилиятлари кўрсаткичи бир-бири билан боғлиқ бўлган ўнта энг муҳим сифатларда умумлашади.

Замонавий педагогик технологияларни қўллашнинг зарур шартларидан бири таълим жараёнида ўқитувчи, таълим олувчиларнинг мустақил билим олишларини таъминловчи, уларни илмий тадқиқотга йўналтирувчи, маслаҳат берувчи, тафаккурини ривожлантиришнинг тўғри йўлларини кўрсатувчи, ҳамкорлик қилувчи шахс саналади. Бунга муаммоли таълим орқали эришиш энг маъқул йўл ҳисобланади.

Муаммоли таълим мустақил, ижодий ва фаол ўзлаштиришни таъминлаш билан бирга, кенг қамровли фикр юритиш, аввалига ўзи учун янги билимларни кашф этиш ва кейинчалик илм - фанни ривожлантирадиган кашфиётлар қилишга замин ҳозирлайди.

У ўз ичига қуйидаги масалаларни қамраб олади:

1. Илмий мавзунинг давлат ва жамият тараққиётидаги аҳамиятини англаш, истиқболини тасаввур қилиш.

2. Илмий адабиётлар, манбалар, материалларни таҳлил қилиш.

3. Илмий материаллар ёзиш усулларини ўрганиш.

4. Таҳлил асосида илмий мақола, маъруза, тезислар тайёрлаш.

5. Илмий мавзуларда суҳбат, мунозара, баҳс юритиш ва шахсий илмий нуқтаи назарни баён қила олиш.

6. Илмий конференцияларда иштирок этиш.

7. Муаммоли мавзуларда суҳбат-тренинглари ташкил эта олиш.

8. Муомала, мулоқот маданиятини ўрганиш.

9. Тажриба-синов ишларини ташкил этишни ўрганиш.

10. Тадқиқот мавзусига оид саволлар тузиш ва мулоҳаза юритиш.

Тадқиқот доирасида олиб борилган тажриба-синов ишлари педагогик фаолиятни ижодий, технологик ёндашув асосида ташкил этиш, илмий ҳамда таълим ва тарбиявий ишлар жараёнининг турли шакл, метод ва воситалар ёрдамида уюштирилиши талабада ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини шакллантиришга оид билим, кўникма ва малакалар ҳамда илмий тадқиқот олиб бориш маданиятини шакллантиришга ёрдам беришини тасдиқлади.

Кафедра қошида ташкил этилган «Ёш олимлар» мактаби ўз сафига узлуксиз таълим тизими бўғинларидаги мактаб ўқувчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасалари талабаларини бирлаштириши ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятининг изчил ва узлуксиз олиб борилишига замин яратади. “Ёш олимлар” мактабининг тўғрақлардан афзаллиги шундаки, унда машғулотлар ноанъанавий шаклларда: баҳс-мунозара, дидактик ва ролли ўйинлар ҳамда ноанъанавий тарбия дарслари кўринишида амалга оширилади. Талабага илмий-ижодий қобилиятларини амалда намоён эта олиши учун тўлиқ шарт-шароит ҳамда эркинлик яратиб берилади.

Замонавий талаба илмий тадқиқотчилик қоидаларини чуқур ўзлаштириши зарур. Илмий дунёқараш талаба - ёшларни ҳар қандай вазиятда

иш кўра оладиган профессионалга айлантириши лозим. Негаки, миллатнинг маънавий камолоти илмий дунёкарашининг даражасига боғлиқ.

Олий ўқув юртларида ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини мақсадли, тизимли ва режа асосида ташкил этиш, мувофиқлаштириш илмий тадқиқот ишидаги самарадорликни оширади ҳамда оммавий ижодий муҳитни шакллантиради.

Талаба-ёшларни ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига йўналтиришнинг зарур шартларидан бири таълим жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг мустақил билим олишларини таъминловчи, йўналтирувчи, маслаҳат берувчи, илмий тафаккурини ривожлантиришнинг тўғри йўлларини кўрсатувчи, ҳамкорлик қилувчи шахс саналади. Бунга муаммоли таълим орқали эришиш энг мақбул йўл ҳисобланади. Муаммоли таълим мустақил, ижодий ва фаол ўзлаштиришни таъминлаш билан бирга, кенг қамровли фикр юритишга, аввалига ўзи учун янги билимларни кашф этиш ва кейинчалик илмни, фанни ривожлантирадиган кашфиётлар қилишга замин ҳозирлайди ва кўйидаги мазмунда амалга оширилади:

-илмий мавзунинг давлат ва жамият тараққиётидаги аҳамиятини англаш, истиқболини тасаввур қилиш;

-илмий адабиётлар, манбалар, материалларни таҳлил қилиш;

-илмий материаллар ёзиш усулларини ўрганиш;

-таҳлил асосида илмий мақола, маъруза, тезислар тайёрлаш;

-илмий мавзуларда суҳбат, мунозара, баҳс юритиш ва шахсий илмий нуқтаи назарни баён қила олиш;

-илмий конференцияларда иштирок этиш;

-муаммоли мавзуларда суҳбат-тренинглар ташкил эта олиш;

-муомала, мулоқот маданиятини ўрганиш;

-тажриба-синов ишларини ташкил этишни ўрганиш;

-тадқиқот мавзусига оид саволлар тузиш ва улар асосида мулоҳаза юритиш.

Илмий-педагогик ва ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини бажариш бўйича маълум тизим ҳамда тегишли методик кўрсатмаларнинг ишлаб чиқиши бакалавр ҳамда магистратура таълимининг сифатини оширишнинг бош мезони ҳисобланади.

Турлича дунёқарашлар тизимида илм-фан тараққий этишига имконият пайдо бўлади. Бу ҳол миллий тафаккурнинг эркин парвозига имкон беради.

Тадқиқот ишларининг бажарилишида илмий-назарий, амалий ҳамда фалсафий асос тайин бўлмаса, умумбашарий ва миллий педагогик меросга илмий ёндашув тамойиллари аниқ белгиланмаса, суяниш мумкин бўлган қатъий илмий таянч сезилмайди.

Талаба-ёшларни мутахассис сифатида тайёрлашда амалдаги ўқув режаларида назарий педагогик йўналиш билан бир қаторда, психологик ва илмий-амалий ҳамда методик йўналиш устувор бўлиши зарур.

Олий ўқув юртларида талаба-ёшларнинг илмий-ижодий фаолияти шахсан кафедра мудирининг томонидан режа асосида назорат қилиниб борилиши мақсадли ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини амалга оширишда асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳаётида талаба - ёшлар фаоллигини ошириш, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳамда илмий тараққиётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, илмий дунёқарашини ҳамда интеллектуал савиясини юксалтиришга эътиборни қаратиш;

Талаба - ёшларни ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига жалб этишни фаоллаштиришга доир илмий тадқиқотларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар йили” давлат дастурида ёшларимизнинг халқимизга хос хусусияти ва фазилатларини намоён этадиган, азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқара оладиган, ёшларнинг илмий-ижодий қобилиятларини, иқтидорини барвақт аниқлаш учун шарт-шароитлар яратишга, уларни ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига йўналтиришга доир методик тавсиялар яратиш ва уларни талаба – ёшлар ўртасида тарғиб этиш мақсадга мувофиқдир.

Х У Л О С А

Бугунги кунда ғоялари амалиётга кенг кўламда муваффақиятли татбиқ этилаётган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, “Ёшлар йили” давлат дастури мазмунида жамият талабига мос, ҳар томонлама етук, баркамол шахсни шакллантириш ҳамда малакали мутахассис, илмий изланувчан ёшларни тарбиялаб вояга етказиш жараёнининг моҳияти тўлақонли очиқ берилган.

Мазкур вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишида ёшларнинг илмий тадқиқот олиб боришга оид илмий билимларга эга бўлишлари ҳамда эгаллаган билимларини таълим жараёнида ўз фаолиятларига мақсадли, самарали қўллай олишлари, уларда таълим жараёнини илмий ташкил этишга нисбатан ижодий ёндашувнинг қарор топиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Олий ўқув юртлирида талаба-ёшларнинг ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини ташкил этиш муаммосини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш, талаба илмий дунёқарашининг шаклланишини таъминловчи педагогик шарт-шароитлар ва объектив ҳамда субъектив омилларни аниқлаш, ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятининг ижтимоий моҳиятини тадқиқ этиш, шунингдек, талаба - ёшларни ғоявий савияси ва маънавий салоҳияти тизимини яратишга йўналтирилган тадқиқот натижалари қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради:

Талаба-ёшларни ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига йўналтиришда Шарқ мутафаккирлари асарларининг мазмуни етакчи ғоялардан бири ҳисобланади.

Олий ўқув юртлири таълим-тарбия жараёнида талаба-ёшларнинг ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини амалга оширишлари муайян низом ва дастурга асосланган ҳолда, ёшлар уюшмалари асосида мақсадли ташкил этилса, илмий тадқиқотчилик фаолиятига йўналтириш устувор мақсад қилиб қўйилса, талабаларнинг дунёқараши, илмий тафаккури жадал ривожланади.

Таълим жараёнида талабанинг илмий-ижодий фаолият кўрсатиш қобилияти, қизиқиши ва имконияти аниқ ҳисобга олинса ҳамда бу фаолиятни ривожлантириш шакллари тўғри танланса, талабаларнинг интеллектуал илмий салоҳияти ортади.

Олий ўқув юртларида ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини ташкил этиш жараёни ҳам ижтимоий, ҳам педагогик аҳамиятга эга. Чунки ғоявий савияси ва маънавий салоҳияти натижаси жамиятнинг ижтимоий жиҳатдан тараққий этишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» талаблари асосида баркамол шахс ва малакали мутахассисни тайёрлаш масаласи умуммиллий аҳамият касб этаётган ҳозирги шароитда ёш авлоднинг илмий дунёқарашини шакллантириш масаласи долзарб аҳамиятга эга бўлган педагогик муаммо сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

Зеро, талаба-ёшларнинг ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига жалб этилиши таълим муассасалари, жумладан, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим жараёнида ўзаро ҳамкорликнинг қарор топишига замин яратади.

Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабадан фақат ўқув-тарбия жараёнининг фаол иштирокчисигина бўлиб қолмай, шу билан бирга, ғоявий савияси ва маънавий салоҳияти жараёнини ташкил этишга тайёргарлик кўрувчи субъект сифатида ўзида муайян илмий дунёқараш ва тадқиқот иши олиб боришга оид кўникмаларни шакллантира олиш ҳам талаб этилади.

Ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига жалб этилган талаба-ёшларнинг тарбияланганлик даражаси, илмий-ижодий, маънавий қиёфаси намунали бўлиши, касб хусусиятлари пухта эгалланган бўлиши зарур. Чунки яхши тарбияланган, тафаккур доираси, илмий дунёқараш кенг, пухта маълумотга, касб малакасига эга бўлган мутахассисгина бошқаларни тарбиялаши, ривожлантириши, маълумотли қила олиши мумкин.

Жамият тараққиёти учун зарур бўлган, инсоният фаровон турмуш тарзини яхшилашга қаратилган янгиликни кашф қилиш, бу борада талаба-

ёшларнинг касбий сифатлари, илмий дунёқарашини шакллантириш олий таълим олдидаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Талаба-ёшларнинг ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини мақсадли ва тизимли ташкил этишда олий таълим муассасаси маъмуриятининг мутасадди ходимлари, талабалар илмий фаолиятини ташкил этишга масъул илмий уюшмалар (масалан, «Ёш олимлар» кенгаши), факультет декани ва кафедра мудирлари ҳамда катта иш тажрибасига эга илмий ходимлар жонбозлик кўрсатиши лозим. Ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига эътиборни кучайтириш, ушбу фаолиятни муассасадаги олимлар илмий салоҳиятини эътиборга олган ҳолда мувофиқлаштириш соҳа равнақини кафолатлайди.

Талабанинг илмий салоҳияти шаклланишида унинг илмий тадқиқот олиб боришда фаол иштирок этишига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда якка, гуруҳли ёки оммавий равишда ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини ташкил этиш шакллари (чунончи, семинар, конференция, беллашув, мусобақа, экскурсия, давра суҳбати, учрашув ва ҳоказолар) талабаларда ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини олиб боришга оид кўникмаларни шакллантиришда самарали натижа беради.

БМИ тадқиқ этиш жараёнидаги умумий натижалар олий ўқув юртларида талабаларнинг ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини жамият тараққиётига ижобий таъсир этишини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги методик тавсияларни илгари сурмоқчимиз:

-талаба-ёшларни ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига йўналтиришни фаоллаштиришга доир тажрибаларни ўрганиш ва уларни оммалаштириш;

-талаба-ёшларнинг ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятидаги фаоллигини оширишда уларнинг бандлик даражасини ўрганиш, унинг натижаси асосида бу соҳада янги йўналишларни белгилаш;

- талаба-ёшларнинг ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини олиб бориш масаласига алоҳида эътибор қаратилишига эришиш;

- талаба-ёшларни илмий тадқиқот ишига йўналтиришни шакллантиришга оид методик қўлланмалар яратиш;

-талаба-ёшларни ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига самарали жалб этишга ёрдам берувчи шакл ва методларни ишлаб чиқиш лозим.

Талаба ёшларнинг ҳаётий мақсадини ўрганиш улар маънавиятини қайси йўллар ва йўналишларда шакллантириш зарурлигини аниқлаш имконини беради.

Ҳаётий мақсад шахсни, талаба ёшни:

- ўз ҳаётий режаларини аниқлаб олишга ва шу асосда яшашга;

- ўз жамоаси, юрти, ватани ҳаёти билан танишиб, улар дуч келаётган муаммоларни ечишда иштирок этишга;

- ижтимоий-тарихий жараёнлар, ислоҳотлар субъекти бўлишга;

- янги муносабатларни, қадриятларни яратишга;

- ўзини ўзи тарбиялашга, яратишга, ўзидаги яширин кучларни рўёбга чиқаришга;

- бошқаларни ҳам фаол яшашга;

- ҳаётни маъноли, ижтимоий фойдали ва мақсадли қилишга етаклайди¹.

Ўзбекистон Республикасида ёшларни ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига изчил, тизимли, узвий, мақсадли жалб этиш, уларни жамиятнинг фаол аъзоси сифатида фаолият кўрсатишларига эришиш, энг аввало, мазкур масаланинг долзарб педагогик муаммо сифатида кенг кўламли ва чуқур тадқиқ этилишини тақозо этади. Ёшлар ижтимоий воқелик ҳодисаларига тўғри баҳо бера олишлари, ижтимоий ўзгаришлар хусусида шахсий фикрга эга бўлишлари маълум даражада илмий асосланган билим, кўникма ва малакаларни эгаллашларини талаб этади. Талаба - ёшларни ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига йўналтириш муаммосининг мустақил, яхлит тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилиши ёшларда илмий дунёқарашни

¹Темирова Н. Талаба ёшларнинг маънавий шаклланишида миллий ва умуминсоний қадриятлар диалектикаси. Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: 2007. 19 бет.

шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, омилларини аниқлашга имкон беради.

Шунга кўра, замонавий илмий-педагогик кадрларни шакллантиришда талаба - ёшларни ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига йўналтиришнинг ўрни ва аҳамиятини белгилаш, уларнинг мустақил илмий фаолият юритишини далиллаш, уни ривожлантиришнинг назарий-методик йўлларини кўрсатиш ва амалий асослаш, талаба - ёшларни ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига йўналтириш борасидаги педагогик фаолият самарадорлигини таъминлашга кафолат бўлувчи шакл, метод ва воситаларни аниқлаш, уларни муваффақиятли қўллаш масаласини ўрганишга тадқиқотда алоҳида ўрин ажратилган.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2013.
2. Таълим тўғрисидаги Қонун. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008.
4. Каримов И.А.Ёшларга ишонч билдириш, уларнинг ташаббус ва салоҳиятини рўёбга чиқариш-бугунги куннинг устувор вазифасидир. // Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари-олий қадрият. -Т.: Ўзбекистон, 2006.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
6. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон келажагининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. Каримов И.А. Фан Ватан равнақига хизмат қилсин. 6 томлик асарлар, II том. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
8. Каримов И.А. Аждодларимизнинг бебаҳо мероси-абодиятга дахлдор маънавий хазинадир мазусида“Ўрта асарлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилишида сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи”, 2014 йил 16 май № 95 сон.
9. Алиқулов Ҳ. Гуманистик мерос ва шахс маънавий камолоти. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006.
10. Баркамол авлод орзуси. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
11. Ёшлар онги, қалби ва дунёқарашини шакллантириш ҳозирги куннинг долзарб масаласи. Тўплам. 2-қисм. –Гулистон: 2006.
12. Ёшларимиз ҳақида ўйларимиз. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009.
13. Икромова З., Зайнитдинова Н. Баркамол авлод тарбиясида дунёвий ва диний қадриятларимиз уйғунлиги. –Т.: Университет, 2009.
14. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. -Т.: Шарқ, 2006.
15. Қуронов М. Мафкура, таъсирчанглик ва услуб. –Т.: Маънавият. 2000.

16. Қўчқоров В. Миллий тикланиш ва ўзликни англаш. –Т.: Университет, 2004.
17. Миллий мафкура-келажак пойдевори. –Т.: Университет, 2000.
18. Муқсимов А., Назаров Қ. Студент ёшларнинг ижтимоий фаоллиги. –Т.: Ўқитувчи, 1987.
19. Олтинов У. Мафкуравий тарғиботни услубий такомиллаштириш йўллари. –Т.: 2004.
20. Рахимов Б.Х. Олий таълимнинг ўқув жараёнида талабалар ғоявий савияси ва маънавий салоҳияти фаолияти // Халқ таълими.-Тошкент, 2007. - № 6. -Б. 47-48.
21. Рахимов Б.Х. Тадқиқотчи-талаба иш китоби. Ўқув-улубий қўлланма, -Тошкент: Фан, 2008.
22. Рахимов Б.Х. Талаба - ёшларни ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига йўналтириш асослари. Монография. -Тошкент: Фан, 2007.
23. Рахимов Б.Х. Университет “Ёш олимлар” кенгаши. Ўқув-услугий кўрсатма, ГулДУ нашриёти, 2007.
24. Темирова Н. Талаба ёшларнинг маънавий шаклланишида миллий ва умуминсоний қадриятлар диалектикаси. Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: 2007.
25. Тиллаева Г. Маънавият ва комил инсон тарбияси. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ нашриёти, 2006.
26. Тиллаева Г., Юсупов Қ., Бобоев Н., Халдибекова Ф., Юсупов А. Шахс маънавиятини шакллантириш омиллари ва воситалари. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009.
27. Усмонов И. Баркамоллик одоби. –Т.: Ўқитувчи, 1997.
28. Ҳакимов И. Соғлом муҳит-соғлом авлод. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
29. Ҳасанбоев Ж., Туропова М., Ҳасанбоева О. Маънавий-ахлоқий тарбия асослари. –Т.: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.
30. Ғайбуллоҳ ас-Салом, Сайди Умр. Толибнома. –Т.: Шарқ, 1997.

31.Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1995.

32.Эминов А.М., Қаршибоев Ҳ.Қ. Бакалаврият таълим йўналиши битирувчилари учун битирув малакавий ишларни таёрлаш ва ҳимоя қилишга оид услубий кўрсатмалар. -Гулистон: 2011.

33.Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.:Университет, 1998.

34.www.ziyo.net

35.www.rambler.ru/top100/religion.

Президент Ислон Каримов

Ёшлар ҳақида:

Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз¹.

...ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият кўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимиз²...

...мамлакатимизда ўқитувчилик чиндан ҳам шарафли касбга айланаётгани. ёшларимиз ўз ўрним, ўз бахтимни айнан шу касб орқали топаман, деб астойдил интилаётганининг далолатидир, деб айтган бўлардим³.

ёшларимизни, уларнинг тимсолида униб-ўсиб, ҳал қилувчи бунёдкор куч сифатида майдонга чиқаётган, она юртимиз келажагининг эгаси бўлган миллионлаб азму шижоатли фарзандларимизни мен ўзимнинг энг катта умидим ва ишончим, деб биламан. 19-118

...ҳозирги кунда тараққиёт йўлидан изчил ривожланиб боришимизда, эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган муҳим бир мезон борки, у ҳам бўлса, инсон капитали, яъни инсон омили, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшларимиздир. 19-119

дунёда, олис ва яқин атрофимизда қарама-қаршилик ва зилдиятлар кучайиб бораётган ҳозирги пайтда ёшларимизнинг онги ва қалбини турли зарарли таъсирлардан асраш, доимо хушёр ва огоҳбўлиб яшаш зарурдигини асло эсимадан чиқармаслигимиз даркор. 19-273

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 34-35 бетлар.

² Ўша асар, 41 бет.

³ Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. - Т.: O‘zbekiston, 2011. Т. 19. 25 бет.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2014 йил „ 6 “ февраль № ПҚ-2124 „ _____ “ _____ 20 г.

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш мақсадида, давлат ва жамоат ташкилотларининг таклифларини инобатга олиб:

1. Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури (кейинги ўринларда – Дастур деб юритилади) 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

2. Дастур ижросини таъминлаш бўйича Республика ишчи гуруҳи таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республика ишчи гуруҳи (Ш.М.Мирзиёев):

Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг юқори савияда ва белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига Дастур ижроси юзасидан ҳар чорак якуни бўйича ахборот киритиб борсин.


4. Вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар раҳбарлари зиммасига Дастурда кўрсатилган тадбирларнинг юқори савияда ва белгиланган муддатларда амалга оширилиши юзасидан шахсий масъулият юклансин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва оммавий ахборот воситаларига Дастур тадбирларининг амалга оширилишини мунтазам равишда ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси И.Б.Абдуллаев зиммасига берилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри



И.Каримов

01-10
08 02 14

2014 ЙИЛДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

I. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаоллигини ошириш.

II. Юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларни турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш.

III. Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратиш, уларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш

IV. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган ишларни тизимли йўлга қўйиш.

V. Ёшлар жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш.

VI. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишини олдини олиш.

VII. Баркамол авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш.

**ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ МАМЛАКАТНИНГ
КЕЛАЖАГИ БУЮҚДИР**

(“Соғлом бола йили” Давлат дастури бўйича)

Дастур **7** бўлим ва **125** банддан иборат бўлиб:

- болалар туғилиши,
- таълим-тарбияси,
- оилада соғлом муҳитни,
- унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш,
- ижтимоий соҳа ривожига ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар акс этган.

8 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Булар:

1. “Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”;
2. “Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлиги тўғрисида”;
3. “Ўзбекистан Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиш қўшимчалар киритиш тўғрисида”;
4. Янги таҳрирдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”;
5. “Ўзбекистан Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

“Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбирларга **4** триллион **509** миллиард сўм ва 302,9 миллион доллар миқдоридан маблағ йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар юзасидан Сирдарё вилоят ҳокимининг Қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2124-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида

Вилоятимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2124-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2124-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Сирдарё вилоятида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури (кейинги ўринларда – Дастур деб юритилади) 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

3. Дастур ижросини таъминлаш бўйича вилоят ишчи гуруҳи таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вилоят ишчи гуруҳи:

Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг юқори савияда ва белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминласин;

Сирдарё вилоят ҳокимлигига Дастур ижроси юзасидан ҳар чорак якуни бўйича ахборот киритиб борсин.

4. Бошқарма ва идоралар, туман (шаҳар) ҳокимликлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар раҳбарлари зиммасига Дастурда кўрсатилган тадбирларнинг юқори савияда ва белгиланган муддатларда амалга оширилиши юзасидан шахсий масъулият юклансин.

5. Вилоят Матбуот ва ахборот бошқамаси (Қ.Сарибоев), вилоят телерадиокомпанияси (Д.Ибрагимов) ва “Сирдарё ҳақиқати” газетаси таҳририяти (Ж.Қосимов) Дастур тадбирларининг амалга оширилишини мунтазам равишда ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими:

О.Ашурматов

**Талаба - ёшларнинг ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига оид
фаолиятини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари¹**

1.	Юқори даражадаги билимдонлиги
2.	Илмий тафаккурга эга эканлиги
3.	Аналитик фикрлаш қобилиятининг юқорилиги
4.	Синтетик фикрлаш қобилиятининг юқорилиги
5.	Тадқиқотчилик қобилиятининг кучлилиги
6.	Мантиқий фикрлаш қобилиятининг устунлиги
7.	Янгиликка интилувчанлиги
8.	Илмий ижодий фаоллиги
9.	Изланувчанлик қобилиятига эга эканлиги
10.	Яратувчанлик қобилиятига эга эканлиги
11.	Кашфиётчилик қобилиятига эга эканлиги
12.	Ижтимоий вазиятларни баҳолай олиши
13.	Илмий дунёқарашнинг кенг қамровлилиги
14.	Мустақил, эркин ва тўғри фикрлай олиши
15.	Муаммоли вазиятни тўғри баҳолай олиши
16.	Ижтимоий муносабатларда фаол иштирок этиши
17.	Ташкилотчилик ва ташаббускорлиги
18.	Масъуллик ҳиссининг қарор топганлиги
19.	Илмий мунозарага кириша олиши, далиллаш, исботлаш лаёқатининг
20.	Илмий-техникавий ҳамда илмий жамиятларнинг ишларига кенг
21.	Илмий ишга садоқат, муайян фанга муҳаббат
22.	Тадқиқотчилик кўникма ва малакаларининг шаклланганлиги
23.	Илмда ҳалоллик ва талабчанлиги
24.	Илмий билимларини, кашфиётини амалиётга татбиқ эта олиши
25.	Танқидга тўғри муносабатда бўлиши
26.	Ижтимоий - сиёсий фаоллиги
27.	Ўзига бўлган ишончи
28.	Илмий тадқиқотчиликка оид маданиятнинг юқори даражада

¹ Ушбу ва куйидаги икки жадвал Б.Рахимовнинг монографиясидан олинди. Талаба - ёшларни ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига йўналтириш асослари. Монография. -Тошкент: Фан, 2007.

**Ўқитувчи ва талабанинг ўзаро муносабатларга киришиш
қобилиятлари кўрсаткичи**

Т-р	Қобилият кўрсаткичлари	Ўсиб бориш динамикасини таъмин этувчи омиллар
1.	Билимдонлик	Қўшимча дарслар, тўғарак ишлари, мустақил равишда бажариладиган ишлар, педагогик амалиётлар, ноанъанавий дарслар, тадбирлар (учрашувлар, баҳс-мунозаралар, турли хил ўйинлар), адабиётлар билан ишлаш, тадқиқот ишларида фаол қатнашиш (битирув-малакавий ишлари, илмий мақола ва рисоалар тайёрлаш) ва бошқалар.
2.	Илмий дунёқарашга эгалик	
3.	Ўзини эркин тутиш	
4.	Ўз фикрига эгалик	
5.	Нотиклик	
6.	Касб сирлари ва унинг ўзига хос хусусиятларини яхши билиш	
7.	Мулоқот маданиятига амал қила олиш	
8.	Ўз ҳиссиётини бошқара олиш	
9.	Муайян вазиятга кириша олиш	
10.	Чет тилини яхши билиш	

Талабаларнинг ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини ташкил этишга таъсир кўрсатувчи омиллар

№	Таъсир кўрсатувчи омиллар мазмуни
1.	Тадқиқотчининг мутахассислик фанига оид билим ва илмий дунёқараши юқори даражада эканлиги
2.	Тадқиқот мавзусининг тўғри ва аниқ танланиши
3.	Тадқиқот муаммосининг тадқиқотчи томонидан тўғри белгилаб олиниши
4.	Тадқиқот ишида методологик асоснинг белгиланиши
5.	Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларининг тўғри қўйилиши
6.	Тадқиқот методларининг тўғри танланганлиги
7.	Ишнинг етарлича илмий асосланганлиги
8.	Тадқиқот ишида узвийлик, тизимлилик ва изчилликка риоя этилганлиги
9.	Тадқиқот ишининг жамият тараққиёти учун аҳамиятлилиги
10.	Илмий муҳитнинг ижобий таъсири
11.	Илмий раҳбарнинг тадқиқотчига тўғри илмий йўналиш бериши
12.	Илмий раҳбар маданият даражасининг юқорилиги
13.	Ижтимоий муҳитнинг таъсири
14.	Ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига йўналтиришнинг режа асосида олиб борилиши
15.	Илмий-ижодий ишларга қўйилган талабларга маъмурият томонидан эътибор берилиши
16.	Раҳбарият томонидан талабаларни ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятига жалб этишга таълим жараёнининг бир қисми сифатида эътибор берилиши
17.	ИТИга жалб этишда мактаб, ўрта махсус таълим муассасалари ва ОЎЮ ларининг узвий боғлиқлигини таъминлашга хизмат қилувчи илмий уюшмалар фаолиятини кучайтириш
18.	Гуруҳ раҳбарларининг талабаларни илмий-ижодий ишларга жалб этишга оид билим ва тажрибасининг мавжудлиги (мақсадли, режа асосида амалга оширилиши)
19.	Фан ўқитувчиларининг талабаларни илмий-ижодий ишларга жалб этишга оид билим ва тажрибага эга эканлиги
20.	Олий ўқув юртида илмий-ижодий уюшмалар иш режаси бажарилишининг назорат қилиниши ва унга талабалар фаолиятининг ажралмас бир қисми сифатида қаралиши

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I-БОБ. ТАЛАБАЛАРНИ ҒОЯВИЙ САВИЯСИ ВА МАЪНАВИЙ САЛОҲИЯТИГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	13
1.1. Мустақилликнинг маънавий асослари	13
1.2. Талабаларни ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятга йўналтириш	19
II-БОБ. ТАЛАБАЛАР ҒОЯВИЙ САВИЯСИ ВА МАЪНАВИЙ САЛОҲИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ	31
2.1. Талабалар ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини ташкил этиш	31
2.2. Талабалар ғоявий савияси ва маънавий салоҳиятини ташкил этиш технологиялари	39
III-БОБ. ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЧИЛИК ФАОЛИЯТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ	44
3.1. Талабаларнинг илмий тадқиқотчилик фаолияти	44
3.2. Талабаларнинг илмий тадқиқотчилик фаолиятларини ташкил этиш ...	48
ХУЛОСА	54
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	59
ИЛОВАЛАР	62